VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

21 (453) ● 2017 йил 24 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 май куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси ички ишлар вазири Владимир Колокольцевни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг терроризм ва экстремизм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик ва қурол-яроғлар ноқонуний айланишига қарши курашиш соҳасидаги ўзаро фаол ҳамкорлигини давом эттириш ғоят муҳим эканини таъкидлади.

Учрашувда Президентимизнинг шу йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига олий даражадаги ташрифи давомида қабул қилинган икки томонлама, шу жумладан, миграция соҳасига оид келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида тизимли ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида қайд этилди.

Россия ички ишлар вазири Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг эзгу тилакларини етказди.

В.Колокольцев мамлакатимиз ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади ва икки мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ўртасида кенг кўламли ҳамкорликка тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА

Фракция фаолияти

ЎзМТДП МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИГА МОС ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Қуйи палата мажлисига қадар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида ҳам мазкур қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинган эди. Фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошчилигида ўтказилган йиғилишда қонун лойиҳалари муҳокамасига партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди.

Қуйи палата мажлисида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти хусусида фракциямиз аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

➜ 2

Миллий гурур

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР — КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

Замонавий билим масканларида жаҳон стандартлари асосида таълим-тарбия олаётган ёшларимиз нуфузли танловлар, фан олимпиадалари, мусобақа ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, юксак интеллектуал салоҳияти, кенг тафаккури ва зеҳни билан дунё аҳли ҳавасини уйғотмоқда.

Буни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур университетда талабалар замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш борасида қатор ютуқларга эришмоқда.

➜ 6

ЎзМТДП Андижон вилоят ташкилотларида

Мамлакатимизда давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора юксалиб бормоқда. Партиянинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, кўп жиҳатдан унинг ҳудудлардаги ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Буни бугун ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ, ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ

ҲИМОЯСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШ МАҚСАДИГА АЙЛАНАЁТИР

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгариш ва янгиланишлардан асосий мақсад — ҳар бир юртдошимизни ушбу жараённинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва онгли иштирокчисига айланишига эришишдан иборат. ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши фаолияти ҳам ана шундай мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

➜ 4

Ташаббус натижа берди

ЎЗМТДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ИККИТА МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори халқимиз истагини ифодалаган, қалб тўридан жой олган муҳим ҳужжат бўлди. Зеро, мамлакатимизнинг биринчи Президентини халқимиз мустақиллигимиз ва тараққиётимиз асосчиси сифатида билади ва юксак қадрлайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимида ҳам мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Бухоро шаҳридаги марказий кўчаларни бирлаштириб, Ислом Каримов номини бериш тўғрисидаги масала вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритилди.

Сессияда депутатлар халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашининг 2017 йил 9 февралдаги қарори билан тасдиқланган Бухоро шаҳридаги Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳамда Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаларининг Пиридастгир кўчаси билан кесишмасигача бўлган ҳудудга Ислом Каримов номини бериш тўғрисидаги таклифини бир овоздан маъқуллади ва қарор қабул қилинди.

➜ 5

Ушбу сонда:

"ХИЗМАТ — БЕМИННАТ" ЛОЙИҲАСИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙИБ, КЎНГИЛЛИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА — 3-бет

ОСМОНЎПАР ГУМБАЗЛИ ИНШООТ

7-бет

НАВОИЙНИ ЎРГАНАМИЗ — 8-бет

«Milliy tiklanish» газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

"MILLIY TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158

Фракция фаолияти

ЎзМТДП МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИГА МОС ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга эришилди. Бу борадаги ишларни янада кучайтиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги, шунингдек, Жиноят, Жиноят-процессуал, Меҳнат, Солиқ, Оила кодекслари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилмоқда.

"Прокуратура тўғрисида"ги қонунга киритилаётган ўзгартиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳамда Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиялари ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиясининг мувофиқлаштирувчи ролини белгилаш мақсадида амалга оширилмоқда.

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларида амалга оширилаётган профилактика чора-тадбирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, қонунийлик аҳволи ҳамда жиноятчилик даражаси ҳақидаги маълумотлар, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш чораларига бағишланган материаллар ҳам жойлаштирилишини назарда тутувчи меъёр киритилмоқда.

Президент қарори билан Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идораларо комиссияси тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Шундан келиб чиқиб, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунлар ҳамда юқорида қайд этилган кодексларга мазкур комиссиянинг номланиши билан боғлиқ ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси ўз мазмун-моҳияти билан ЎзМТДПнинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ўзаро ахборот алмашиш, идораларо маълумотлар базалари тизимларини ривожлантириш борасидаги дастурий мақсад-вазифаларига муштарак ва ҳамоҳангдир. Шу боис уни такомиллаштириш жараёнида фракциямиз аъзолари фаол иштирок этади.

Ўрол ҲАИТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Йиғилишда "Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги "Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тугатилиб, унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил этилди, уларнинг асосий мақсад-вазифалари белгилаб берилди. Бу эса маданият ва спорт соҳалари бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади.

Шу муносабат билан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасига кўра, "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида", "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида", "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида", "Музейлар тўғрисида", "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида", "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунларга ва Бюджет кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштиришга доир қонунчиликнинг мувофиқлаштирилишига, Маданият вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг фаолияти самарадорлиги ошишига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, ЎзМТДПнинг ғоя ва мақсадларига уйғун бўлиб, дастурий вазифаларимиз ижросида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, партия ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни, маданият муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш, шунингдек, болалар ва ёшларнинг кенг кўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан деб билади.

"Milliy tiklanish" мухбири
Муҳтарама РАМАЗОНОВА
ёзиб олди

Сана

СПОРТ ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ

Музейлар аждодларнинг авлодларга қолдирган меросини асровчи, тарғиб қилувчи, инсонни тарих билан боғловчи, шунингдек, бугунги ривожланиш ва тараққиёт даврларини ўзида акс эттирувчи, ўзлигимизни намоён этувчи бой маънавий хазинадир.

Аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ноёб маданий мероси ва тарихий ёдгорликлар билан навқирон авлодни яқиндан таништириш, юртимиздаги музейлар фаолиятини ривожлантириш, янада такомиллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги "Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шуҳрати" музейида 18 май — Халқаро музейлар куни ҳамда ушбу музей ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Музейлар — халқ тарихининг кўзгуси" мавзусидаги

маданий-маърифий тадбирда шу хусусда сўз борди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, республика "Нуроний" жамғармаси вакиллари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари, музей ходимлари, спортчилар ҳамда журналистлар иштирок этди.

"Олимпия шон-шуҳрати" музейи директори, партия Тошкент шаҳар Кенгаши аъзоси Гулноз Аҳмадалиева, "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси вазифасини бажарувчи О.Жиянбоев ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юртимизнинг бой тарихини ўрганиш, маданий ёдгорликлар, қадимий обидалар, улуғ аждодларимизнинг улкан маънавий меросини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 450 га яқин музей фаолият олиб бормоқда. Уларда сақланаётган 2 миллион 300 мингдан ортиқ ноёб ашё, шунингдек, 8 мингдан ортиқ моддий маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1996 йил 18 августда иш бошлаган ва Марказий Осиё минтақасида ягона "Олимпия шон-шуҳрати" музейи спортчиларимизнинг ўзбек спорти ҳаётида, қолаверса, Ватанимиз тарихида чуқур из қолдираётган ғалабаларини тарғиб этиш, уларга муносиб ворисларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мустақилликнинг дастлабки йилларидан музейлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди, қатор янги музейлар ташкил этилди, мавжудлари тубдан таъмирланди, — дейди "Олимпия шон-шуҳрати" музейи бош муҳофизи Акмал Аҳроров. — Музейфондини асраб-авайлаш ва тўлдириб бориш, уларни чуқур таҳлил этиш, илмий ўрганиш, тарих ва ҳозирги замон тараққиёт босқичларини ҳаққоний акс эттириш, миллий истиқлол ғояларига мос келувчи экспозициялар яратиш каби ишларни амалга ошириш асосий мақсадимиздир. Музейимизда тарихий ҳужжатлар ва бошқа нодир буюмлар билан бир қаторда истиқлол йилларида эришилган ютуқларимиз акс этган ашёлар ҳам сақланади — 2 мингдан ортиқ экспонат бор,

шундан мингдан ортиғи доимий экспозицияга қўйилган. Мазкур экспозициялар ёш авлод маънавиятини юксалтириш, билимларини бойитиш, тарихни ўрганишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, музейлар ўтмиш ва бугунни боғловчи кўприк, беқиёс маънавий-маърифий даргоҳдир.

Экспозицияда мамлакатимиздаги спорт мажмуаларининг фаолияти, уларда яратилган қулай шарт-шароитлар, ўғил-қизларнинг турли нуфузли мусобақаларидаги муваффақияти суратларда акс эттирилган. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт анжомлари, ёшларимизнинг мусобақаларда қўлга киритган кубок ва медаллари ўрин олган.

— Ёшлар маънавиятини юксалтириш уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш партиямиз дастурий мақсадларидан, — дейди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши мутахассиси Шерзод Холматов. — Пойтахтимизда ўндан зиёд давлат музейи мавжуд. Кенгашимиз томонидан ҳудуддаги касб-ҳунар таълими коллежлари ўқувчилари ва ёшлар иштирокида мазкур музейларга саёҳат, турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш ҳам анъанага айланган. Бу аҳоли, айниқса, ёшларнинг Ватанимиз тарихини ўрганишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Тадбирда юртимиз спорт тарихига оид турли мавзуларда маърузалар тингланди. Ёшлар музей фаолияти, бу ердаги ранг-баранг экспозициялар билан танишди. "Олимпия шон-шуҳрати" музейи ходимларига эсдалик совғалари топширилди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи парламентлараро ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Европа парламенти депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа идоралар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С.Отамуратов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси А.Жалилов, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳалар қатори парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланаётганини таъкидлади. Бундай ҳамкорлик ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида мулоқотни чуқурлаштириш, амалий ҳамкорликни ривожлантириш ва тажриба алмашишдан томонлар манфаатдорлигига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Европа парламенти ўртасидаги алоқалар Ўзбекистон Республикаси билан Европа ҳамжамияти ҳамда унга аъзо давлатлар ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида йўлга қўйилган бўлиб, мазкур ҳужжатда парламент даражасидаги сиёсий мулоқотлар Парламент ҳамкорлиги қўмитаси доирасида амалга оширилиши қайд этилган.

Ушбу битим кучга киргандан сўнг, яъни 1999 йил 1 июлдан буён фаолият кўрсатиб келаётган "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитаси Олий Мажлис ҳамда Европарламент ҳамкорлигини ва умуман, Ўзбекистон — Европа муносабатларини фаоллаштиришда муҳим механизмга айланди. "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитаси мамлакатимизнинг турли даражадаги ташаббусларини Европа парламенти ва Европа Иттифоқида илгари суришда муҳим омил бўлмоқда.

Европа парламенти депутатлари Парламент ҳамкорлиги қўмитаси орқали Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида хабардор қилинмоқда. Шунингдек, Қўмита Ўзбекистон парламенти ва Европарламент томонидан ташкил этилаётган турли халқаро тадбирларни ўтказишда кўмаклашмоқда.

Давра суҳбатида Олий Мажлис ва Европарламентнинг парламентлараро муносабатларини янада ривожлантириш, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни чуқурлаштириш, шунингдек, тараққиётга кўмаклашишда "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари эътиборига Ўзбекистонда демократик давлат қуриш борасида амалга оширилаётган манзилли ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот берилди, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тақдим этилди. Мамлакатимизнинг иқтисодиётни янада эркинлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳасидаги позициялари, шунингдек, ҳар томонлама пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари тўғрисида сўзлаб берилди.

Европа парламенти аъзоларига Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари, тузилмаси ва салоҳияти, мамлакатимизда бизнес юритиш учун яратилган ҳуқуқий кафолатлар, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ортаётгани ҳақида ҳам маълумот берилди.

Европарламент депутатлари ҳам, ўз навбатида, Европа давлатларида рўй бераётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар хусусида ахборот берди ва ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Улар Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини ижобий баҳолаб, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унда белгиланган вазифалар, биринчи навбатда, фуқаролар манфаатларини таъминлаш имконини берадиган вазифаларга юксак баҳо берилди.

— Сўнгги йилларда Европарламент ва Ўзбекистон ҳамкорлиги янада мустаҳкамланмоқда, — дейди Руминиянинг Европа парламентидаги депутати, Халқаро савдо қўмитаси раисининг ўринбосари Юлию Винклер. — Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси билан атрофлича танишдик. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур ҳужжатда белгиланган устувор йўналишлар Европа Иттифоқи учун ҳам ғоят долзарбдир. Хусусан, бу иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалардир. Жамият, халқ, шу жумладан оддий фуқаролар, турли миллат вакиллари билан мулоқот каби муҳим жиҳатларга тааллуқлидир. Ҳаракатлар стратегиясида ушбу муҳим масалалар ижроси устувор йўналишлар сифатида белгиланган Европа Иттифоқи томонидан юксак баҳоланмоқда. Делегациямиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган ислоҳотлар билан ҳам танишди. Мазкур ислоҳотлар самарадорлигини юқори баҳолаш баробарида уларнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилганини ҳам таъкидлаш зарур.

Европа парламенти депутатлари Европарламент ва Олий Мажлиснинг, жумладан, "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитаси доирасидаги парламентлараро муносабатлари самарадорлигини ошириш зарурлиги тўғрисида Ўзбекистон парламенти аъзоларининг фикрини қўллаб-қувватлади.

— Биз Ўзбекистоннинг жумладан, парламент ва бошқа турли ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш орқали Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаймиз, — дейди Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар делегацияси, Транспорт ва туризм қўмитаси аъзоси Исмоил Эртуғ. — Ахборот алмашиш бизга ҳамкорлик ва мулоқотни минтақа даражасида мустаҳкамлаш имконини беради. Бу жараёнда парламент фаолияти муҳим ўрин тутади. Бугунги тадбирда тақдим қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари Ўзбекистонда бу борада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганидан далолат беради. Ўзбекистон парламенти билан ҳамкорлик биз учун муҳим ва устувор йўналиш ҳисобланади.

Давра суҳбатида муҳокама натижалари бўйича парламентлараро ҳамкорликни янада фаоллаштириш, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, халқаро тадбирларни ҳамкорликда ўтказиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Европа парламенти делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам учрашув ўтказди.

ЎзА

Давра суҳбати

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ:

АҲОЛИ ХАБАРДОРЛИГИ МУҲИМ МАСАЛА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида давлатимизнинг барқарор тараққиёти, ислоҳотларнинг давомийлиги ва изчиллигини таъминлашга қаратилган янги воялар, амалий ташаббуслар, лойиҳалар, кенг кўламли чора-тадбирлар ўрин олган.

Мазмун-моҳияти ва кўлами жиҳатидан Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган саъй-ҳаракатлар жамиятимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганлигини англатади. Унинг лойиҳаси кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида муҳокама қилинди. Шунинг ўзиёқ бу ҳужжатнинг халқчиллигини, том маънода инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилганлигининг ёрқин ифодасидир.

Бу жиҳатлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий ташкилотларида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари тарғиботига бағишланган давра суҳбатларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Сирдарё. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиёт стратегияси барча соҳаларни либераллаштириш, модернизация қилиш, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини янада юксалтириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламалдир. Айни пайтда мамлакатимизда кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни изчил давом эттиришга қаратилган устувор йўналишлар белгиланиб, уларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш бўйича барча давлат ва жамоат ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйилмоқда. Бу жараёнда сиёсий партиялар фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида янада фаол иштирок этиши лозим.

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши ташкил этган "Ҳаракатлар стратегияси — демократик ислоҳотларнинг янги даври" мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Унда мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва ҳудудни ривожлантиришдаги аҳамияти атрофлича таҳлил қилинди.

— Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган барча масала, аввало, халқ фаровонлиги, инсон ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш ва эркинлигини таъминлашга қаратилган, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шерзод Қулматов. — Ана шу ислоҳотлардан кутилган асосий мақсад — одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдан иборат. Бу жараёнда сиёсий партиялар ва депутатлар ўз вазифа ва ваколатига масъулият билан ёндашиши, аҳоли билан доимий ва самарали мулоқотни йўлга қўйиши, ишлаб чиқиладиган қонунлар одамлар манфаати, юрт равнақи, жамият ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилишига эътибор қаратиши талаб этилади. Қабул қилинадиган ҳар бир қонуннинг халқчиллигини таъминлаш, унинг ижросини назорат қилиш депутатлар фаолиятининг устувор вазифасига айланиши лозим.

Бугунги давр барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатларимизнинг жойларда ва аҳоли орасида доимий равишда бўлишини, одамларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал қилишда амалий кўмак беришини, пухта ва аниқ таклифлар тайёрлашини талаб қилмоқда. Жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш, партия электорати манфаатлари, дастурий мақсад-вазифалари ижросини таъминлашда партия ташкилотлари билан депутатларнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Йил бошидан буён халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари 87 депутатлик сўрови юборди. Уларнинг 70 тасига жавоб хати олинган, 17 сўровни мансабдор шахслар ўрганмоқда. Шундан 39 таси қонун ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси бўйича бўлиб, бу бўйича депутатлик назорати ўрнатилган.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ташаббуси билан 9 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Доимий комиссиялар йиғилишларига 10 та таклиф олиб чиқилди. Бунинг натижасида электр энергияси, йўл таъмири, қурилиш, таълим, тиббиёт, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ мавжуд муаммолар ижобий ҳал этилмоқда.

Давра суҳбатида Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқадиган партия ва унинг депутатлик корпуси олдида турган асосий йўналишлар юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Қашқадарё. ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши "Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти ҳамда унинг ижроси назоратида депутатларнинг фаоллиги" мавзусида ўқув-семинар ташкил этди.

Партиянинг вилоят ва туман кенгашлари ҳамда партия гуруҳи вакиллари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, аҳолининг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунда сиёсий партиялар, уларнинг қуйи бўғинлари ва гуруҳларининг ўрни катта. Бинобарин, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаоллигини мунтазам ошириб боришни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Мутахассислар ўз маърузаларида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида "Мамлакатимизда сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш" бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, партия маҳаллий ташкилотлари ва гуруҳлари аъзоларининг фаоллигини янада юксалтириш, ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш, электорат манфаатларига дахлдор масалалар бўйича таклифлар киритиш, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, уларнинг мониторингини олиб бориш ишларини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратди.

— Ҳаракатлар стратегиясининг барча йўналишида кўзда тутилган мақсад-вазифалар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг рўёбга чиқишини таъминлашга хизмат қилади, — деди халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Лазиз Расулов. — Тараққиётимизнинг янги стратегиясида белгиланган вазифалар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилишда фаоллик кўрсатиш, аҳоли билан мулоқотлар ўтказиш, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш ҳамда уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш долзарб масаладир. Бу борада ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари зиммасига юклатилган вазифалар муҳокама этилди. Ижтимоий-иқтисодий дастурлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ҳамда депутатлик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларидан фойдаланиш масалалари ҳақида сўз борди.

Таъкидланганидек, маҳаллий Кенгашлар депутатларига аҳолидан келаётган мурожаатларнинг аксарияти таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, тадбиркорликни йўлга қўйиш ва кредит олишга доир. Барча таклиф ва мурожаат чуқур ўрганилиб, таҳлил қилиниб ўз жойида ҳал этилмоқда. Вақт талаб этиладиган мурожаатлар бўйича тегишли мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборилмоқда.

Партия ташкилотлари ва депутатлар аҳоли билан мулоқотларда янги қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, хусусан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун, "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилишга эътибор қаратмоқда. Зеро, мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонун уларга киритилаётган янгиликлардан кенг оммани ўз вақтида хабардор этиш, қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириб бориш жамиятимиз равнақига хизмат қилади.

Ўқув-семинарда Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда партия ходимлари ва депутатлар масъулиятини ошириш, янги қабул қилинган қонун, фармон ва қарорларнинг ҳудуддаги ижросини назорат қилишда фаоллик кўрсатиш лозимлиги таъкидланди. Қонунларнинг ҳаётийлиги, уларнинг ижросини таъминлаш механизмлари, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, бевосита аҳоли билан бўладиган мулоқотлар тизимини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Наманган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда партия ташкилотлари ва гуруҳлари олдида турган устувор вазифалар ЎзМТДП Наманган вилояти кенгашида ўтказилган давра суҳбатида кенг муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, давлат органлари фаолиятида очиқликни, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Мамлакатимизда жорий йилга Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб ном берилиши инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун, деган олижаноб ғояни янада изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишдек олий мақсадга хизмат қилади.

Фуқаролар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали усул ва механизмлари татбиқ қилинаётгани, жумладан, депутатларнинг туман ва шаҳарлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли раҳбарларнинг маҳаллий Кенгашларда ҳисоботини эшитиш тизими жорий этилгани парламентни халқ билан янада яқинлаштиради, самарали мулоқотга киришиш, одамларнинг дардини эшитиш ва жойлардаги ижро ҳокимияти масъулиятини янада кучайтиришда айни муддао. Бу жойлардаги ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни ўрганиш, муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, қабул қилинган қонунлар ижроси самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Жараёнда маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари билан ҳамкорликда ишлаши муҳим аҳамиятга эга.

— Халқ билан мулоқотнинг бугунги кун талаби даражасидаги зарур омилларидан бири фуқаролар билан очиқ ва доимий мулоқотларни самарали йўлга қўйиш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда қатъийлик кўрсатишдир, — деди партия вилоят кенгаши раиси Одилжон Мамадалиев. — Партиямиздан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 55 депутат сайланган. Улар аҳоли саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, дори воситалари нархини назорат қилиш, соғлом авлод тарбияси, давлат томонидан йўналтириладиган маблағларнинг самарали ва оқилона сарфланиши устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари 191 депутатлик сўровини амалга ошириб, ижросини назоратга олди. Шундан 101 таси бевосита фуқароларнинг мурожаатлари асосида амалга оширилган. Партия гуруҳлари ташаббуси билан 8 мансабдор шахснинг ҳисоботи эшитилди.

Тадбирда партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш борасидаги фаолиятида учраётган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди. Бунда фаолиятнинг таъсирчанлиги ва аниқлигини кучайтириш, ўзлари қабул қилган қарорларни амалга ошириш, депутатларнинг сўровларига ижро этувчи ҳокимият органларининг муносабат билдириши масалаларида талабчанликни ошириш ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига аҳолини ўйлантираётган муаммолар юзасидан пухта тайёрланган масалаларни олиб чиқишда ташаббускорликни янада кучайтириш лозим.

Давра суҳбатида Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилишда фаоллик кўрсатиш, аҳоли билан мулоқотлар ўтказиш, мавжуд муаммоларни чуқур ўрганиш, уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ва партия ташкилотлари олдида турган энг муҳим вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП лойиҳаси — амалда

Ҳар томонлама соғлом, касб-ҳунарли, билимли, маънавий етук, зукко, фаол ва шижоатли авлодни тарбиялаш — элюртимиз равнақи ва тараққиётида ҳал қилувчи омил саналади. ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотларида қизғин руҳда давом этаётган "Хизмат — беминнат" лойиҳаси ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Партия сайловолди Платформаси ижросига қаратилган мазкур лойиҳа доирасида юртимизнинг барча ҳудудида бепул ўқув курслари очилмоқда.

"ХИЗМАТ — БЕМИННАТ" ЛОЙИҲАСИ

КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙИБ, КЎНГИЛЛИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Шу каби ўқув курсларидан бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги "Result" ўқув маркази қошида ташкил этилди. Унда кўнгилли ўқитувчи сифатида мазкур ўқув марказининг таъсисчилари Алишер Саъдуллаев ҳамда Абдураҳим Жалилов иш бошлади. Ушбу ўқув курсида асосан инглиз тилидан сабоқ берилади. Дарслар интерфаол усуллар, видеопроекторлар, замонавий ахборот технологиялари, кўргазмали воситалар ёрдамида олиб борилади.

— "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида ҳозирданоқ 200 дан ортиқ кўнгилли бепул таълим бериш, касб маҳорати сабоқларини ўтказиш истагини билдирган, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар ишлари бўлими бошлиғи Ҳамдам Ниёзов. — Улар орасида академиклар, давлат мукофотлари ҳамда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови совриндорлари, халқаро мусобақа, олимпиада ва танловларнинг ғолиблари, таниқли спортчилар, Республика "Ошпазлар" ва "Ҳунарманд" уюшмалари, "Иффатли келин" нодавлат таълим муассасаси вакиллари, кўп йиллик тажриба ва касбий маҳоратга эга бўлган педагоглар бор.

* * *

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 26-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги ўқув курсининг очилиш маросимида мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси, хорижий тилларни ўрганишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланаётгани, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тил ўрганишнинг ижтимоий аҳамияти ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Халқ тақдири она тили тақдирига бевосита боғлиқ. Зеро, она тилини йўқотмоқ — миллат руҳи, тарихини йўқотмоқдир. Дунё халқлари билан мулоқотга киришиш, дўстлик ришталарини боғлаш ва тинчликни сақлашда тилнинг ўрни беқиёс.

Мазкур ўқув курсида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг тажрибали ўқитувчилари ёшларга она тили, адабиёт, тарих ва психология фанларидан сабоқ бера бошлади.

* * *

Инсонни олижаноб мақсадлар сари илҳомлантириш, ёруғ ниятлар сари бошлаш, эзгуликка даъват этишда мусиқанинг ўрни беқиёс. Зеро, кўнгил хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида болаларнинг руҳий-маънавий дунёси ва маданий савиясини ўстириб бориш, навқирон авлод миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг яхши асарлари билан ошно бўлиши учун қулай шарт-шароит яратишга кўмаклашиш мақсад-вазифаси белгиланган.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида очилган "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги ўқув курсида мусиқа фанидан машғулотлар бошлангани ЎзМТДПнинг ана шу дастурий мақсад-вазифалари рўёбига хизмат қилади. Унда мазкур университет доценти Даврон Қодиров кўнгилли ўқитувчи сифатида иш бошлади.

* * *

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган "Хизмат — беминнат" лойиҳаси Қашқадарё вилоятида ҳам кенг қулоч ёймоқда. Дастлабки сабоқлар Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатида бошланди.

— Ўқув курсида ёшларга математика фанининг сир-асрорини ўргатиш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги умуммиллий ҳаракатга муносиб ҳисса қўшиш ниятида иш бошладим, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси Муҳаббат Шаропова. — ЎзМТДПнинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси мақсад-вазифалари билан танишгач, дилимдан ушбу лойиҳада фаол иштирок этиш, ёш авлодга, юртимга беминнат ёрдам бериш истаги пайдо бўлди. Математика фанига қизиққан ёшлар иштирокидаги ўқув курсларининг дастлабки машғулотларини бошладик. Ўқувчида қайси фанга қизиқиш борлиги, унинг истеъдоди илк машғулотларданоқ намоён бўлади. Қувонарлиси, биринчи дарсдаёқ ўғил-қизлар орасида математикага ўзгача иштиёқи бор ёшлар кўпчиликни ташкил этиши маълум бўлди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар ва халқ таълими бошқармаси, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамкорлигида Бухоро давлат университетида "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги ўқув курси ўз фаолиятини бошлади.

— Мазкур лойиҳанинг истиқболли бўлишида, яхши натижа кўрсатиб, самара беришида, аввало, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади, — деди партия вилоят кенгаши раиси Саиджон Ҳамроев. — Ушбу ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилиши таълим самарадорлигини ошириш билан бирга ўсмирлар орасида қаровсизлик, тартиббузарлик, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Зотан, боланинг қандай инсон бўлиб вояга етиши ота-она тарбияси ва атроф-муҳит таъсирига боғлиқ.

Мазкур ўқув курсида она тили ва адабиёт фанидан дарслар ўтилади. Машғулотларни асосан билимли, юксак салоҳиятли мутахассислар олиб боради. Бу, айниқса, ёзги таътил кунларида ёшларнинг бўш вақтдан унумли фойдаланишларида айни муддао.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муаммо ечим топди

ДЕПУТАТ КЎМАГИ БИЛАН ИШЛИ БЎЛДИМ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари ҳар ой маълум муддат ҳудудларга чиқиб, одамларнинг турмуш тарзи, муаммоларини ўрганаётгани, аҳоли билан юзма-юз мулоқотда бўлиб, таклиф-мулоҳазаларини тинглаётгани барчамизни қувонтиряпти. Туман ва шаҳарларда бўлиб ўтаётган мулоқотларда аҳолининг мурожаатлари диққат билан тингланмоқда, ҳар томонлама эътиборга олиниб, амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бунинг натижасида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ҳаётий тамойилнинг рўёбини кўряпмиз.

Сирдарё вилоятидан сайланган парламент аъзоларининг туманимиздаги ўрганишлари давомида аҳолининг кўп муаммолари ҳал этилмоқда. Хусусан, маҳаллалар аҳолиси билан ўтказилган мулоқотларда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, кредит олиш ва ундан фойдаланиш тартиби, томорқа хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш, ёш авлод таълим-тарбияси билан боғлиқ мурожаатларнинг ўз жойида ечим топишига амалий ёрдам берилди. Ва, энг муҳими, ўрганиш жараёнида аҳолининг бандлик масаласи халқ вакиллари эътиборида бўлаётгани қувонарлидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутат Шерзод Қулматов маҳалламиздаги кўплаб хонадонлар қаторида бизнинг уйимизга ҳам кириб, оилавий шарт-шароитимиз билан танишди, муаммоларимизни тинглади.

Гап шундаки, турмуш ўртоғим вафот этгандан кейин уч фарзандим билан анча қийналиб қолдик. Ўзим юридик йўналишда ўрта махсус маълумотга эгаман. Шу боис, мутахассислигим бўйича ишласам, турмуш шароитимизни яхшилашга, фарзандларимнинг бекаму-кўст вояга етишига ҳисса бўларди, деган умид билан бир неча жойга мурожаат қилдим. Аммо бирор натижа чиқмади.

Очиқ ва самимий мулоқот чоғида депутат Шерзод Қулматовдан ана шу масалада кўмак беришини сўрадим. Орадан кўп ўтмай, депутат саъй-ҳаракати билан туманимиздаги Гулбаҳор касб-ҳунар коллежига иш юритувчи сифатида ишга жойлашдим.

Парламент аъзоларининг ҳудудларда бўлиб, одамлар билан дилдан суҳбатлашаётгани, муаммоларимизни ҳал қилишга кўмаклашаётгани аҳолини депутатга, депутатни аҳолига яқинлаштирмоқда. Халқ билан мулоқот қилиш, инсон манфаатларини ҳимоялашнинг ана шундай самарали тизими жорий қилингани ҳар биримизни мамнун қилаётир.

Гулсара ЎРИНБОЕВА,
Ховос тумани "Обод турмуш" маҳалла фуқаролар йиғини

MILLIY TIKLANISH
21 (453) 2017 йил 24 май, чоршанба

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ, ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ

ҲИМОЯСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШ МАҚСАДИГА АЙЛАНАЁТИР

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Айни пайтда вилоятимизда партиянинг 12,5 мингга яқин аъзоси бор. Бошланғич партия ташкилотларимиз — 422 та. Партия сайловолди Платформасини амалга ошириш, электорат манфаатларини таъминлаш, хайрихоҳлар сонини кўпайтириш, кенг жамоатчилик ишончини қозониш мақсадида фаолиятимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, аҳоли билан доимий мулоқотга киришишни мақсад қилганмиз. Шу боис барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатларнинг ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини кучайтириш, электорат манфаатлари билан ҳамоҳанг, аниқ мақсадга қаратилган таъсирчан тадбирлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЎзМТДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллий вакиллик органларига партиядан сайланган депутатлар фаолияти ва ташаббускорлигини оширишга, партия ташкилотлари ва гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг фаолияти доимий таҳлил қилиб борилаётир. Зеро, партиянинг нафақат вилоят, балки туман ва бошланғич ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ишини жонлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишларида ташаббускорликни кучайтириш, аҳоли мурожаатларини ҳал этиш бўйича масъулиятини ошириш бугунги давр талабидир. Шу боис, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга ошириладиган чора-тадбирларда партиянинг ҳар бир аъзоси шахсий жавобгарликни, масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаол иштирок этиши лозимлигига эътибор қаратилмоқда.

ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг ҳар ойда маълум муддат туманларда бўлиши аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини тезкорлик билан шу ернинг ўзида ҳал этишга кенг имконият яратмоқда. Бу депутатларнинг одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардорлигини таъминлаб, аҳоли кенг қатлами билан янада яқинлаштиради, қолаверса, маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли мутасаддиларнинг ўз вазифасига масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади. Ана шу жараёнда партия ташкилотимиз вакиллари депутатлар билан бирга юриб, фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқариш йўлида уларни ўйлантираётган, қизиқтираётган масалаларни, таклиф ва эҳтиёжларини ўрганмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз барча соҳалари ривожи, халқимиз фаровонлигини юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилиши баробарида, партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари зиммасига ҳам улкан вазифалар юклайди.

Айни пайтда мамлакатимизда кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни изчил давом эттиришга қаратилган устувор йўналишлар белгиланиб, уларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш бўйича барча давлат ва жамоат ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйилмоқда. Шундан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид давлат дастурида вилоят бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда партия вилоят кенгаши ва депутатлик гуруҳлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш ва "Инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун" тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этишга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, фаоллик, фидойилик, ишга замонавий тафаккур билан ёндашиш партиянинг электорат олдида ўз обрўсини мустаҳкамлаши, сайловчилар ишончини оқлаши, сиёсий куч сифатида унинг манфаатлари чинакам ҳимоячисига айланиши учун ҳам муҳимдир.

Ҳамиджон ОМОНОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари

ҚУЙИ БЎҒИНЛАР САМАРАЛИ ИШЛАСА...

Бошлангич партия ташкилотининг асосий вазифаси — фақат партия аъзолари сафини кенгайтиришдан иборат эмас. Балки уларнинг фаолияти ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллиги, жамият олдидаги масъулияти, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар жараёнига қай даражада ҳисса қўшаётгани билан ҳам ўлчанади. Қолаверса, жойларда одамларни ўйлантираётган масалаларни тизимли ўрганиб бориш, мониторинг қилиш, депутатлик бирлашмалари орқали маҳаллий Кенгашлар доимий комиссия ва сессияларида муҳокама этиб, тегишли қарорлар қабул қилиш, масалаларга ечим топиш ҳам зиммамиздаги асосий вазифалар сирасига киради.

Айни пайтда ЎзМТДП Андижон вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида 422 қуйи бўғин фаолият юритмоқда. Жойларда фаол ва ташаббускор қуйи бўғинлар ташкил этаётган тадбирлар, олиб чиқаётган масалалар, аҳоли мурожаатлари ҳал этилиши вилоятимизда ЎзМТДП нуфузини мустаҳкамлаб, аҳолининг партияга ишончини ошираётир. Бунга Жалақудуқ туманидаги "Бештол", "Урғу" маҳалла фуқаролар йиғинлари, Хўжаобод туман тиббиёт бирлашмаси, Олтинкўл тумани Фермерлар кенгаши қошида ташкил этилган қуйи бўғинлар фаолияти яққол далил бўла олади.

Хўжаобод туман тиббиёт бирлашмаси қошидаги қуйи бўғинда тиббиёт коллежларини тамомлаб, қишлоқ врачлик пунктларига ишга келаётган ёшлар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш анъанага айланган. Машғулотларда ёшлар сиёсий, маънавий, тиббий йўналишда сабоқ оладилар. Машғулотлар учун ҳар ойда 12 кун ажратилган. Бу эса ўз-ўзидан қуйи бўғин сафида дунёқараши кенг, сиёсий-ҳуқуқий қарашлари юксак ва билимдон ёшлар сони кўпайишига йўл очаётир.

Мазкур қуйи бўғин маҳаллаларда тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, аҳолининг аҳил ва иноқ яшашини таъминлаш, мустаҳкам оилалар сафини янада кенгайтиришга бағишланган қатор тадбир, учрашув ва давра суҳбати ҳам ўтказиб келмоқда. Жумладан, "Соғлом фарзанд — юрт келажаги", "Баркамол авлод тарбияси — миллий тараққиётимиз гарови", "Буюк аждодларимизнинг илмий-адабий мероси ёш авлод тарбияси кафолатидир" мавзусидаги тадбирларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришнинг мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинмоқда.

Аммо бугун, афсуски, барча бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Жойларда электоратнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлиги, қонун устуворлигини таъминлаш, партия фаоллари билан алоқани мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ана шундай тузилмалар сони ўтган йилда атиги 17 тага ортган. Хусусан, ЎзМТДП Асака ва Жалақудуқ туманида 3 тадан, Булоқбоши ва Бўз туманларида 2, Балиқчи, Избоскан, Марҳамат, Пахтаобод, Қўрғонтепа, Улуғнор туманлари ҳамда Хонобод шаҳрида эса 1 тадан БПТ ташкил этилган. ЎзМТДП Андижон шаҳар, Хўжаобод, Шаҳрихон, Андижон туман кенгашлари янги бошланғич ташкилотларини умуман ташкил этмаган. Аксарият бошланғич пария ташкилотларида партиявий фаолият тажрибаси, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирлар, белгиланган вазифалар ва мажбуриятларни бажаришда ташаббускорлик, самарадорлик, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги фаоллиги, депутатлик корпуси билан ҳамкорликда сусткашлик кўзга ташланади.

Бундан ташқари, мавжуд бошланғич партия ташкилотларида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиш, фаолиятга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлашда ҳам қатор камчиликлар учраётгани ачинарлидир. Партия вилоят кенгаши ўз фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида жойлардаги партия бўғинлари самарадорлигини ошириш, энг илғорларини рағбатлантириш, партия ишида тўпланган ижобий тажрибаларни оммалаштириш, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларидаги партия депутатлик гуруҳлари амалга ошираётган ишларни тарғиб этиш ва тушунтириш чораларини кўрмоқда. Бошланғич тузилмалар етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида интерфаол машғулотлар ўтказиш, партия ташкилотлари ва гуруҳлари билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйиш, сайловчилар билан ўзаро алоқани янада кучайтиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди.

Акмалжон АҲРОРОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси

ИШОНЧ ВА ИФТИХОР ҚАНОТ БАҒИШЛАЙДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли, изчил ислоҳотлар негизида жисмонан ва маънан соғлом, улуғ аждодларимизга хос буюк анъаналарни муносиб давом эттирадиган, замон талабларига мос юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсади мужассам. Таассуфки, бугунги мураккаб глобаллашув шароитида ахлоқсизлик, дидсизлик, фикрсизликдан иборат "оммавий маданият" ва бошқа қатор мафкуравий таҳдидлар даврида ёшлар тарбияси ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Ана шу жараёнда партиянинг ёшлар билан ишлаш йўналишини янада кучайтириш, ташаббускор йигит-қизларни ўз атрофида бирлаштиришга қаратилган фаолиятини жонлантириш, "Ёшлар қаноти"нинг нуфузи ва таъсирини ошириш ҳамда ёшлар қалбига йўл топиш давр талабига айланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жорий йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани биз, ёшларни ҳам янада фаол бўлишга, ишимиз самарадорлигини оширишга ундайди. Ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини эшитиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак бериш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда.

Вилоятда партия аъзоларининг 5 минг 343 нафари ёшлардан иборат. ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ёшларнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга инсонлар бўлиб камол топиши, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши борасидаги устувор вазифаларни бажариш билан боғлиқ долзарб масалаларга ечим топиш, бу йўналишда ижтимоий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш юзасидан ижтимоий-маърифий лойиҳа, анжуман, мулоқот ва давра суҳбатларини мунтазам ташкил этиб келмоқда.

"Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган "Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" республика кўрик-танловида андижонлик ёшлар бир неча йилдан бери муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг "Юртим тарихини ўрганаман" шиори остидаги "Тарихдан садо бергувчи обод гўшалар" ёшлар акцияси ҳам навқирон авлод вакилларини сафимизга кенг жалб этишда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур акция тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва бойитишга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром туйғуларини кучайтириш каби партиявий вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

Андижон вилоятида туризмни ривожлантириш имкониятлари кенг. Вилоятимизда 60 дан зиёд тарихий қадамжолар мавжуд. Ўтган йили ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоллари, "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари иштирокида вилоятимизнинг турли туманларида жойлашган Супали тепа, Хожа Абдулло Туғдор, Далварзинтепа, Мингтепа, Уч булоқ, Имом ота, Меҳмон валий ва Қалъа мажмуаси каби тарихий-маданий масканлар, муқаддас қадамжо ва зиёраттоҳларда "Тарихдан садо берувчи обод гўшалар" акцияси кенг кўламда ўтказилди. Акция ўтказилган обида, муқаддас зиёраттоҳ тарихи, унинг миллий маънавиятимиз юксалишида тутган ўрни чуқур ўрганилди, ҳудудларда тозалаш-ободонлаштириш ишлари олиб борилди, турли мевали ва манзарали кўчатлар экилди. Акция юзлаб вилоят ёшларини ободлик, бунёдкорлик, улуғ аждодларга эҳтиром кўрсатиш, тарихни янада чуқурроқ ўрганиш мақсади остида бирлаштирди. Бу каби тадбирлар йигит-қизлар қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ғурур ва ифтихор, эртанги кунга ишонч туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Сардорбек ДАМИНОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчи мутахассиси

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Партия ташкилотининг ишига баҳо берадиган асосий мезонлардан бири халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг қандай фаолият олиб бораётганидир. Чунки депутат зиммасига партия дастурий мақсадлари, сайловолди Платформаси, ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат дастурлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар қарорлари ижросини назорат қилиш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, фуқаролар мурожаати юзасидан депутатлик сўровлари юбориш каби ваколат ва вазифалар юклатилган.

Шу билан бирга, бугунги тезкор замонда ҳал этилиши зарур бўлган долзарб вазифалар борки, бу ҳар бир кишига, айниқса, депутатларга алоҳида масъулият юклайди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳимиз аъзолари ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни қийнаётган масалаларда ёрдам беришда муайян ишларни амалга оширмоқда. Тегишли ташкилот ва корхона раҳбарларига депутатлик сўрови юбориб, аҳолидан тушган мурожаатларни ҳал қилишга интилаётир.

Вилоятимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 3, халқ депутатлари вилоят Кенгашида 10, туман ва шаҳар Кенгашларида 85 нафар ЎзМТДПдан сайланган депутат фаолият юритмоқда.

Депутатлик фаолиятимиз давомида партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, сайловчи ишончини оқлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари шу йилнинг биринчи чораги мобайнида турли масалаларга оид 238 депутатлик сўровини амалга оширди. Бу кўрсатгич 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 120 тага кўп. Шунингдек, ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишларида 12 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Доимий комиссияларга 30 таклиф олиб чиқилди. Бироқ партия дастурий вазифалари, электорат манфаатидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий Кенгаш сессияларига ташаббус-масала киритишда партия гуруҳларимиз сусткашликка йўл қўяётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бунга халқ депутатлари Андижон, Олтинкўл, Булоқбоши ва Избоскан туманларидаги ЎзМТДП гуруҳлари фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари мансабдор шахс ҳисоботини тинглаш, доимий комиссияларга таклиф олиб чиқишда ҳам нисбатан паст кўрсатгичга эришган.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар аҳоли билан ҳамқадам бўлиб, уларнинг ўй-фикрларини ўрганишга, мурожаатларини ҳал қилишга интилмоқда. Депутатларнинг аҳоли билан яқинлиги, ўз навбатида, фуқароларнинг партияга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Энди улар ўзларини қизиқтираётган масалалар юзасидан бевосита партия ташкилотларига, депутатларга мурожаат этмоқда.

Масалан, Андижон шаҳар "Боғишамол" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Қори Ниёзий кўчаси аҳолиси партия вилоят кенгашига электр таъминотидаги узилишларни бартараф этишга доир масала юзасидан мурожаат қилган. Хатда мутасадди идораларга бир неча бор мурожаат қилингани, аммо масала ҳал этилмаётгани, бу эса аҳоли учун қатор қийинчиликлар туғдираётгани ҳақида сўз юритилган. Мазкур мурожаатни партия вилоят кенгаши аввал ўрганиб чиқди. Сўнг партиядан халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайланган депутат Бобуржон Зияев Андижон шаҳар "Янги шаҳар" электр тармоқлари корхонасига аҳоли мурожаати юзасидан депутатлик сўрови юборди. Электр тармоқлари корхонаси мазкур мурожаатни ўрганиб чиқиб, электр симларини янгилади — масала ижобий ҳал этилди.

ЎзМТДП Улуғнор туман кенгашига "Тўрттол" қишлоқ врачлик пунктида олий тоифали шифокор етишмаслиги масаласида мурожаат келиб тушди. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз аъзоси Арзихон Тўраева масалани ўрганиб, "Тўрттол" қишлоқ врачлик пунктини олий тоифали шифокор билан таъминлашни сўраб, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғига депутатлик сўрови юборди. Натижада "Тўрттол" ҚВПга олий тоифали шифокор Шоҳрух Сиддиқов мудир этиб тайинланди. Бугун мазкур ҳудуд аҳолиси партия ва депутат ҳамкорлиги натижасидан мамнун.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, партия ташкилотлари ва депутатлар аҳоли билан ҳамқадам ва ҳамфикр бўлиб, жойлардаги масалаларни ўрганмоқда. Оддий одамлар муаммоларига ечим топишга интилиш ҳудуд аҳолисининг ЎзМТДПга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Электорат манфаатларига хизмат қиладиган, ҳудудлар учун долзарб аҳамиятга эга масалаларни ўрганиш, сессияларга улар орасидан таклиф-ташаббусларни олиб чиқиш доимий эътиборимизда бўлмоғи лозим. Депутатларимиз айни пайтда туризмни ривожлантириш, миллий ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, қадимий қадамжоларни ўрганиш ва уларни янада обод қилиш каби вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Садбархон МАМИТОВА,
халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Ойдин АЛИМАРДОНОВА тайёрлади

Ташаббус натижа берди

ЎЗМТДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ИККИТА МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.**

Вилоят Кенгаши сессиясида партия гуруҳининг яна бир ташаббуси — Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунининг вилоятдаги ижроси тўғрисидаги масала ҳам қизғин муҳокама қилинди.

— Юртимиз кўҳна шаҳарлари, бир неча асрлик тарихга эга маданий мерос объектлари, осори атиқалари билан дунё сайёҳларини ўзига ром этиб келади, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Умида Раҳмонова. — Бухоро юртимизнинг ана шундай масканлари сирасига киради. Бугун вилоятда 660 моддий маданий мерос объекти рўйхатга олинган. 203 объект кадастр рўйхатидан ўтказилган, 323 объектнинг чегаралари белгиланган. Вилоятдаги 126 қадимий уй-жой ва 231 археология объектидан ташқари қолган 303 архитектура ёдгорлиги муҳофаза ҳудудлари билан чегараланган. Шу билан бирга, ҳозирда вилоятда давлат муҳофазасига олиниши тавсия этилаётган 64 замонавий, тарихий маданий мерос объекти мавжуд. Партия гуруҳимиз ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда вилоятдаги маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказиш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиб, сессия кун тартибига аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш масаласини киритди.

Сессияда қайд этилганидек, партия гуруҳи аъзолари вилоятдаги маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатлари ҳолатини ўрганганда, Бухоро шаҳридаги мавжуд 292 объектдан 173 таси, Бухоро туманидаги 45 объектдан биттаси, Вобкент туманидаги 55 объектдан 6 таси, Когон туманидаги 7 объектдан биттаси, Когон шаҳридаги 46 объектдан 18 таси, Қоракўл туманидаги 6 объектдан 3 таси, Шофиркон туманидаги 40 объектдан биттаси кадастр рўйхатидан ўтказилгани маълум бўлди. Гиждувон (46), Жондор (67), Қоровулбозор (2), Пешку (26) ва Ромитан (28) туманларидаги тарихий обидаларнинг бирортаси ҳанузгача кадастр рўйхатидан ўтказилмаган.

2015-2016 йилларда Бухоро вилоятидаги архитектура ёдгорликларининг техник ҳолати инвентаризациядан ўтказилганда, вилоят бўйича 58 объект авария ҳолатида, 27 объект қисман авария ҳолатида, 223 объект таъмирталаб ва 102 объект қониқарли ҳолатда эканлиги аниқланган.

Бухоро туманидаги энг катта архитектура ёдгорлиги — Чор Бакр (XVI-XIX аср) мажмуаси 2000 йилда тўла таъмирланган. Аммо ўттан даврда сизот сувлари ва шўрланиш кўпайиб кеттани туфайли кўп ҳужралар таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Мажмуадаги "Жонгелдибой" хазираси пештоқидаги кошинларнинг ярми тушиб қолган, йўлаклари таъмирталаб ҳолатда. "Мастурабону Султоним" хазираси пойдеворлари тўкилиб, деворлари қабр тошларнинг устига қулаб тушган. Қимматбаҳо ҳисобланган тўрт "Сангижумон" тошидан иккитаси қолган. Чор Бакр мажмуасига борадиган катта йўл ҳам анчайин абгор аҳволда.

Вобкент туманидаги Тош масжид архитектура ёдгорлиги умуман қаровсиз қолган. Унинг давлат муҳофазасига олингани тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат мавжуд эмас.

Шофиркон туманидаги Вардонзе археология ёдгорлиги VI асрнинг 60-70 йилларида бунёд этилган бўлиб, Бухоро тарихидаги кўплаб муҳим воқеа-ҳодисаларнинг забонсиз гувоҳидир. Тарихчилар ҳамда маҳаллий аҳолининг маълумотига кўра, қўрғон XIX асрнинг охирига қадар ҳудуддаги йирик савдо ва ҳунармандчилик марказларидан бири бўлган. Археологлар бу ерда узоқ йиллардан бери қазиш ишларини олиб бормоқда. Топилган ашёлар Вардонзе қўрғонининг ёши белгиланганидан ҳам қадимийроқ эканлигидан дарак беради.

Бироқ ўлкамиздаги бу ноёб дурдона обиданинг бугунги аҳволи ниҳоятда ачинарли. Унинг атрофидаги бир неча асрдан бери мудофаа вазифасини бажарган саксовул ва бошқа дарахтлар аҳоли томонидан кесиб кетилган. Натижада чўл иқлимига хос бўлган тинимсиз эсиб турувчи шамол унинг нурашини тезлаштирмоқда. Қўрғон ўзининг тарихий аҳамияти ва қиёфасини йўқотиб бораётир. Бунинг устига объектнинг ҳимоя майдони одамлар томонидан ноқонуний ўзлаштириб олинмоқда.

Партия гуруҳи аъзолари мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ билан бирга Қоракўл туманидаги Пойкент харобаларини ҳам ўрганди. Бир неча асрлик тарихга эга Пойкент 2016 йилда кадастр рўйхатидан ўтказилган. Ушбу харобага айланган шаҳар қолдиқлари бой тарихни ўзида мужассам этганлиги билан чет эллик археологларнинг эътиборини тортиб келади. Ушбу тарихий жойга юртимиз ва хорижий сайёҳларни мунтазам жалб қилиш мумкин. Аммо негадир мазкур тарихий маскан эътибордан четда қолган. Унинг атрофи ўраб олинмагани оқибатида яқин атрофдаги аҳоли ушбу ҳудудда бемалол чорва молларини боқмоқда. Агар муносабат ана шундай давом этаверса, тарихий ёдгорлик саноқли йиллардан сўнг буткул йўқолиб кетиши мумкин.

Тумандаги Чибирдон ота мажмуаси ҳам кўп асрлик тарихга эга маскан ҳисобланади. Туман марказидан 10 километр узоқликда жойлашган ушбу мажмуада масжид ҳамда Чибирдон ота ва Абдураҳмон Валий мақбаралари сақланиб қолган. Ушбу маскан истиқлол йилларида таъмирланиб, зиёратчилар учун бирмунча қулайликлар яратилди. Аммо ўрганиш жараёнида талай

камчилик ва муаммолар аниқланди. Масалан, зиёратгоҳнинг чегара ҳудуди аниқ белгилаб қўйилмаган, кадастр рўйхатидан ўтказилмаган, зиёратгоҳга борувчи йўл талаб даражасида эмас.

Қоровулбозор тумани ҳудудида жойлашган тарихий масканлар — Қоровулбозор ва Бўзачи сардобалари ўрганилганда, улар давлат муҳофазасига олингани, аммо кадастр рўйхатидан ўтказилмагани маълум бўлди. Мазкур сардобалар шундоқ катта йўлнинг ёқасида жойлашганлиги туфайли оғир юкли транспорт воситалари қатнови натижасида уларга зиён етмоқда. Гарчи туман ҳокимлиги томонидан сардобани авайлаб сақлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаган бўлса-да, бироқ амалда ҳеч иш қилинмаган.

Бухоро шаҳридаги тарихий обидалар асосан унинг эски шаҳар қисмида жойлашган. Ҳудуднинг тарихий қисми (эски шаҳар чегаралари) алоҳида объект сифатида 1993 йилда ЮНЕСКО томонидан Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Бироқ шунга қарамай, кўплаб маданий мерос объектлари сақланишида муайян камчилик ва муаммолар борлиги аниқланди.

Йиғилишда эски шаҳар ҳудуди кечки ёритиш тизими билан тўлиқ таъминланмаганлиги, транспорт йўлларининг маданий мерос объектларига яқинлиги обидаларнинг техник ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётганлиги таъкидланди. Бундан ташқари, аҳоли томонидан ўзбошимчалик билан иншоотлар қурилмоқда, айрим иншоотлар тарихий-меъморий архитектура талабларига жавоб бермайди. Ирригация ва дренаж тизими яхши ишламаслиги натижасида ёғингарчиликлардан сўнг кўлмаклар пайдо бўлаётир. Шўрланиш оқибатида айрим маданий мерос объектлари емирилмоқда.

Сессияда ЎзМТДП гуруҳи мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф-тавсияларини ўртага ташлади. Шунингдек, муҳокамалар жараёнида Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича минтақалараро инспекцияси ҳамда халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Акбар Муҳаммедов, шаҳар ва туманлар ҳокимлари сўз олиб, аждодларимиздан мерос ноёб тарихий, маданий объектларни асраб-авайлашга доир ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессия якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Унга кўра, ***вилоят ҳокими ўринбосарлари, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича минтақалараро инспекцияси зиммасига мутасадди ташкилотлар билан биргаликда вилоятда маданий мерос объектларини реставрация ва реконструкция қилиш, соҳага оид мавжуд муаммоларни бартараф этишда Бухоро маданиятига хос миллий ва замонавий калоритни акс эттириш чораларини кўриш, Бухоро шаҳрида тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, сақлаш, тадқиқ қилиш, мониторинги бўйича ягона идоралараро илмий-услубий кенгаш тузиш, бой тарихимизни ёш авлодга кенг таргиб қилиш мақсадида таълим муассасалари ўқувчилари учун "Қишки таътил" ва "Ёзги таътил" лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўғил-қизларнинг тарихий музейларга бепул ташрифини уюштириш вазифалари юклатилди. Бухоро вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат корхонасига ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда вилоятдаги барча маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда ҳимоя ҳудудини аниқ белгилаш, обидаларга давлат муҳофазасига олинганлиги тўғрисидаги пештахталар ўрнатиш, ҳозирда археологик объект сифатида рўйхатда турган, аммо йўқолиб кетган ва ҳеч қандай аҳамиятлилик даражаси қолмаган айрим тепаликларни рўйхатдан чиқариш, давлат муҳофазасига олиниши тавсия этилаётган янги замонавий, тарихий ва маданий мерос объектларини археологик объект сифатида рўйхатга олиш, эътибордан четда қолган маданий мерос объектлари, жумладан, Хўжа Порсо мадрасасини капитал таъмирлашни дастурга киритиш вазифалари топширилди.***

Вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари, Бухоро шаҳар ҳокими, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳамда "Ўзавтодарётранс" агентлиги бўлими биргаликда маданий мерос объектларини асраш ва тиклаш мақсадида мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи ташкил этиш, маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларга туташ йўлларда автотранспорт, айниқса, оғир техника воситаларининг ҳаракатланиши тўхтатилишига эришиш, шаҳарнинг тарихий қисмида қурилиш ишлари олиб боришни қатъиян ман этиш чораларини кўриш, эски шаҳар ҳудудини ёритиш тизими билан тўлиқ таъминлаш, оқава тизимига тўлиқ уланиш, ёғингарчиликдан тўпланадиган сувларни ҳудуддан узоқлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиши белгиланди.

Саиджон ҲАМРОЕВ,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:

— Аждодларимиздан қолган бой маданий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни келажак авлодларга асл ҳолича етказиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан биридир. Партия ташкилотлари ҳамда гуруҳларимиз ушбу мақсад-вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни кунда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз ташаббуси асосида маданий мерос муҳофазаси билан боғлиқ масала сессияларга киритилиб, муҳокама этилди ва қарорлар қабул қилинди.

"Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида ҳам қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Партия гуруҳимиз қатор ўринли таклиф-тавсияларни ўртага ташлади. Бунинг натижасида вилоятдаги барча маданий мерос объектларига биттадан ташкилот бириктирилиб, уларни ободонлаштириш, кадастр ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва таъмирлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Суҳбат

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш импортни камайтириш, иқтисодиётни барқарор ва изчил ривожлантириш, унинг ташқи омилларга тобелигини пасайтириш, пировардида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш, унинг аҳамияти, бу борада эришилаётган натижалар хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ҳамда қуйи палатанинг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Назир СОБИРОВ билан суҳбатлашдик.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

— Мустақил тараққиёт йилларида юртимизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини оширишга, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш заҳираларидан кенг фойдаланиш, шу аснода замонавий рақобатбардош маҳсулот тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Н.Собиров. — Маҳаллийлаштириш ва экспорт масалалари, мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар, олдимизда турган вазифалар шу йилнинг 19 апрель куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича қабул қилинаётган тизимли чора-тадбирлар натижасида 2010-2016 йилларда 1 минг 948 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси амалга оширилди. Айни шу кунларда қиймати 5,5 миллиард доллардан ортиқ 2,8 мингдан кўпроқ маҳаллийлаштириш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Илгари хориждан олиб келинган 4,8 мингдан зиёд маҳсулот турлари ўзимизда ишлаб чиқарилаётир. Масалан, охирги уч йилда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига 106 гуруҳ товарларни импорт қилиш бутунлай тўхтатилди. Ваакум насослари, қурилиш кранлари, ўтга ва кислотага чидамли айрим материал турлари, ҳар хил турдаги қурилиш жиҳозлари, сэндвич панеллар, сунъий синтетик газон, автомобиллар учун аудио тизим қурилмалари, шиша идишлари, крахмал ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, телевизор, совуткич ва муз-латкич, ёритиш мосламалари, чанг юткич, автомобиль фильтр ва радиаторлари, пўлат қувурлар, керамик плита, синтетик толаларнинг айрим турлари, тиббиёт ампулалари, полиграфик бўёқлар, болалар ўйинчоқлари, спорт анжомлари каби 356 турдаги маҳсулотни четдан келтириш икки баравардан зиёд камайди.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли ўтган даврда маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб уч марта ошди. Бу нафақат иқтисодий манфаатдорликни таъминлаш, балки ижтимоий соҳада ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш натижасида 13 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди ва шунча аҳоли иш билан таъминланди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги "2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан навбатдаги маҳаллийлаштириш дастури тасдиқланган. Ана шу ҳақда ҳам кенгроқ маълумот бер-сангиз.

— Президентимиз қарори билан тасдиқланган ушбу дастур доирасида 2017-2019 йилларда 3,4 миллиард долларлик 1 минг 146 лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Мазкур лойиҳалар ҳисобига бугун талаб юқори бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган. Жумладан, шу йилнинг ўзида 960 лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 6,5 триллион сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бундан ташқари, 122 турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этадиган корхоналарни аниқлаш ва тегишли лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ҳам иқтисодиётнинг тармоқлари кесимида маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш ҳисобига импорт ҳажмини камайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб, аниқ вазифалар берилган эди. Ушбу вазифалар ижроси юзасидан биргина "Ўзбекнефтгаз" компанияси юқоридаги қарор доирасида 2017-2019 йилларда жами 43 лойиҳани амалга оширади. Мазкур лойиҳалар доирасида 3,7 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, шундан 1,2 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш, қўшимча 565 янги иш ўрни яратиш, чет элдан сотиб олинаётган товарларни 1,1 миллиард долларга қисқартириш кўзда тутилмоқда. Рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган 34 лойиҳани жорий йилнинг ўзида амалга ошириш режалаштирилган.

Президент қарорига мувофиқ, 2017 йилда умумий қиймати 15,3 миллиард сўмлик 8 та янги лойиҳа амалга оширилади. Андижон синов экспериментал заводида газ баллонлари учун 650 минг дона ВБ-2 вентиллари, Шўртан газ-кимё мажмуаси негизида 6,5 минг дона пластик маҳсулотлар, "Ўзнефтгазмаш" ва "Ўзтрансгаз" компаниялари иштирокида тузиладиган янги корхонада суюлтирилган газ учун 10 минг дона баллон, шунингдек, Қўқон механика заводида турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳа ана шулар жумласидандир. Бугун улардан бештаси, яъни Қўқон механика заводида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошланган. Қолган учта янги лойиҳани ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш мақсадида тармоқли жадваллар ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоиз, мазкур 8 янги лойиҳани амалга ошириш натижасида 178,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда мамлакатимизга кириб келадиган импорт ҳажмини қисқартириш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш соҳасидаги изчил ўсиш кўрсаткичлари юзлаб юксак технологияли саноат ишлаб чиқаришини яратиш ва унинг ўсишига хизмат қилади. Шунингдек, ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларида, ички талаб шаклланиши ва бозорнинг зарур саноат ҳамда истеъмол товарлари билан тўлиши, экспорт салоҳияти ортиб, импорт ҳажмлари камайишида муҳим аҳамият касб этади.

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш вазифалари белгиланган...

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этишга кўмаклашишни иқтисодиёт соҳасидаги муҳим вазифаларидан, деб билади. Шунингдек, миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар, ишлар, хизматлардан муҳофаза этиш ва қулай сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш ЎзМТДП сайловолди Платформасида муҳим мақсад-вазифалар сифатида белгиланган. Партиямизнинг ушбу дастурий мақсад-вазифалари мамлакатимизда мазкур йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари жойлардаги ўрганишлари давомида ишлаб чиқариш соҳасининг янада жадал ривожланишини таъминлаш учун айрим фойдаланилмаган захиралар ва имкониятларни ишга солиш зарурлиги, маҳаллийлаштириш дастури хусусиятлари, дастур доирасида бериладиган солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари, дастурга киритиш механизмлари ҳақида тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти, маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳалар ўрганилганда, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати, таннархи каби масалаларга устувор аҳамият берилмоқда. Маҳсулотларни маҳаллийлаштириш жараёнида тадбиркорлар дуч келаётган муаммолар ўрганилиб, уларга тезкор ечим топиш чоралари кўрилмоқда. Бундан кўзланган мақсад — мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш дастурлари ижросини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги самарали технологиялар татбиқ этилишини жадаллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшишдан иборат.

"Milliy tiklanish" мухбири
Муҳтарама КОМИЛОВА суҳбатлашди.

MILLIY TIKLANISH
21 (453) 2017 йил 24 май, чоршанба

ЖИЗЗАХ "БАРКАМОЛ АВЛОД – 2017" СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИГА ТАЙЁР

Жиззах шаҳри шу кунларда байрамона безатилган. Бу кўтаринкилик шаҳарнинг кўча ва хиёбонлари, бино ва иншоотлари қиёфасида ҳам, одамлар, айниқса, ёшлар чеҳрасида янада яққол акс этмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасидаги "Баркамол авлод – 2017" мусобақаларининг Жиззахда кўтаринки кайфиятда ўтказилишининг алоҳида сабаби ҳам бор. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган, ўзига хос ёшлик ва гўзаллик байрамига айланган уч босқичли спорт мусобақаларининг "Баркамол авлод" ўйинлари илк бор 2001 йилда айнан Жиззахда ўтганини кўпчилик яхши билади.

Ушбу йирик тадбир – ёшлик, баркамоллик, нафосат ва бирдамлик байрами – "Баркамол авлод – 2017" мусобақаларига Жиззах орадан 16 йил ўтиб иккинчи марта мезбонлик қилмоқда. Ўтган йилларда Жиззах янада тараққий этди, чирой очди.

Бу ўзгаришларни, айниқса, "Баркамол авлод – 2001" мусобақаларида қатнашган, бугун мураббий, ҳакам, мутахассис сифатида Жиззахга келган таниқли спортчилар, фахрийлар ўзгача бир энтикиш билан эсламоқда.

Шу вақт мобайнида Жиззах шаҳри ва вилоят спортида катта ўзгаришлар рўй берди. Барча шароитлар яратилган муҳташам ва замонавий спорт иншоотлари, сузиш ҳавзалари барпо этилди. Жумладан, "Сўғдиёна" спорт мажмуаси, Жиззах олимпия захиралари, Жиззах политехника институти ҳамда мазкур институт қошидаги 1-академик лицейи спорт иншоотлари жорий таъмирдан чиқарилиб, иштирокчиларни кутиб олишга тайёр ҳолатга келтирилди.

Спортнинг 17 тури бўйича 898 спортчи иштирок этадиган мусобақа ўйинлари мавжуд спорт иншоотлари хусусиятларидан келиб чиқиб, тақсимлаб чиқилди. "Сўғдиёна" спорт мажмуасида спортнинг бокс, сузиш, бадиий гимнастика, енгил атлетика турлари бўлиб ўтса, Жиззах олимпия захиралари коллежида баскетбол, қўл тўпи, бадминтон, стол тенниси, оғир атлетика, эркин кураш, юнон-рум кураши, таэквондо, дзюдо, теннис каби спорт турлари бўйича иштирокчилар ўзаро баҳслашади.

Жиззах политехника институти спорт иншоотида футбол ва волейбол, ушбу институт қошидаги 1-академик лицейда шахмат бўйича мусобақалар бўлиб ўтади.

Иштирокчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун ташкилотчилар томонидан қатор маданий-маърифий ва кўнгилочар тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Мусобақалар давомида иштирокчилар жойлашган манзилларда турли маданий-маърифий ва мусиқий чиқишлар ташкил этилиши кўзда тутилган бўлса, вилоят тарихи ва маданияти билан таништириш мақсадида Жиззах шаҳридаги музейлар, театр ва бошқа маданият объектларига саёҳатлар уюштириш белгиланган.

Мусобақаларни мувофиқлаштириш учун Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, "Баркамол авлод – 2017" штаби фаолият олиб бораётир. Мусобақаларни ёритиш учун штаб қошида матбуот ва ахборот маркази тузилган. Бу ерда мусобақани ёритиш учун аккредитация қилинган 100 дан зиёд оммавий ахборот воситаси ходимлари учун барча қулайлик яратилган.

Интернетда "Баркамол авлод – 2017" махсус веб-сайти иш бошлади.

Кеча мусобақаларни ёритишга келган журналистлар учун спорт иншоотлари, иштирокчилар ётоқхоналарида яратилган шароитлар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш мақсадида медиа-тур ташкил этилди.

Мусобақа иштирокчилари бирин-кетин етиб келмоқда. Ҳар бир жамоанинг кутиб олиниши шаҳардаги байрамона руҳга янада кўтаринкилик бағишлаётир.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА

Миллий ғурур

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ана шундай иқтидорли ва изланувчан талабалардан бири мазкур олий таълим муассасасининг 4-курс талабаси, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат стипендияси совриндори Искандар Холбоевдир. У мамлакатимизда илк бора кўзи ожиз инсонлар учун ахборот-кутубхона муассасаларининг корпоратив тизимини ишлаб чиқмоқда.

Искандар барча фанлардан аъло баҳоларга ўқийди, турли кўрик-танловларда фаол қатнашади, мақола ва тезислари билан турли илмий ва оммабоп журналлар, республика ва халқаро конференцияларда мунтазам қатнашади. Интеллектуал мулк агентлигининг электрон

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР — КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурларга бериладиган 6 гувоҳномасини олган. Жорий йилда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган Иқтидорли талабалар, магистрлар ва профессор-ўқитувчилар ишлаб чиққан дастурий ва техник ишланмалар кўргазмасида фаол иштирок этиб, сертификат билан тақдирланди.

— Одатда, янги китоб, қизиқарли бадиий асар ёхуд ўзимиз учун керак бўлган адабиётларни ўқишни истасак, энг аввало, кутубхона сари йўл оламиз, — дейди Искандар. — Кутубхонада бўлган киши ўзи истаган китобни олибоқ, ортига қайтишга ошиқмайди: кутубхонани айланади, янги асарларни варақлайди. Ҳатто яқин-яқингача зарур қўлланмаларни қидириб, мамлакатимизнинг юзлаб километр олисдаги ҳудудларида яшовчи юртдошларимиз ҳам атайин пойтахтга келиб-кетгани бор гап. Бугун жамиятимизда кутубхоналарнинг ўрни ва унга муносабат тубдан ўзгарди. Улар фаолиятига инновацион ишланмалар, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва услублари жорий этилмоқда.

Анъанавий кутубхоналарга қизиқишни сўндирмаган ҳолда электрон кутубхоналарни янада оммалаштириш борасида иш олиб бормоқдаман. Мамлакатимизда 90 га яқин кўзи ожизлар учун кутубхоналар мавжуд, 14 га яқин мактаб-интернатларда уларга китоблардан фойдаланиш имкони яратилган. Аммо уларни янада ривожлантириш, кўриш имконияти чекланганлар учун қулай шарт-шароит яратиш — долзарб масала. Айни шу мақсадда қатор лойиҳалар тайёрладим. Ўйлайманки, булар ўз натижасини беради.

Дарҳақиқат, ахборот-кутубхона фаолиятида қонун меъёрларини амалга ошириш доирасида адабиёт фондлари кўпайишини таъминлаш, ахборот-кутубхона ресурсларидан аҳолининг эркин фойдаланишини кенгайтириш бўйича режали ҳамда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш асосида ахборот-кутубхона муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича бир қатор ташкилий-техник чора-тадбирлар изчил қўлланилмоқда.

Қолаверса, ахборот-кутубхона муассасаларида китобхонларга хизмат кўрсатиш жараёнларини интеграциялаш, ахборотни тўплаш, унга ишлов бериш, электрон кутубхоналар ташкил қилиш, электрон каталогни шакллантириш, таълим муассасалари ва ҳудудларда китобхонларга масофадан туриб хизмат кўрсатишнинг тезлиги ва сифатини ошириш, етакчи хорижий ахборот-кутубхона фондларининг маълумотлар базасига уланиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир. Бу, ўз навбатида, ахборот-кутубхона фойдаланувчиларининг мавжуд ресурслардан фойдаланиш имкониятларининг янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

— Таълим муассасамизда янгилик яратиш, илмий-техник ижодкорлик қилиш учун барча шароит муҳайё, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг ахборот-кутубхона тизимлари кафедраси профессори Марат Раҳматуллаев. — Мунтазам равишда семинар-тренинглар, кўрик-танловлар ўтказилиб, лойиҳалар билан ишлаш бўйича машғулотлар олиб борилади. Натижада изланувчан талабаларимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсдаги танловлардаги иштироки ҳам кенгайиб бормоқда. Искандар кўзи ожиз инсонлар учун ахборот кутубхона муассасаларининг корпоратив тизимини йўлга қўйишни бундан икки йил олдин таклиф қилганди. Айни пайтда у билан электрон кутубхоналарга оид қатор лойиҳаларни режалаштирганмиз. Бу каби лойиҳалар шогирдимнинг ўз салоҳиятини намойиш этиши ва янада юқори марраларни қўлга киритишида кенг имкониятлар яратади.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ММММда

ДАВР ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалар" мавзуида давра суҳбати ташкил қилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ходимлари, юртимиздаги етакчи оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган тажрибали журналистлар ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг профессор-ўқитувчилари ва талаба ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Саъдулла Ҳакимов ва бошқалар халқ билан мулоқотни самарали ташкил этиш, инсон манфаатларини амалда таъминлаш, одамлар қалбига йўл топиш, бугунги замон шиддати ва талаблари мамлакатимиз журналистлари олдига ҳам янги-янги вазифалар қўяётганини таъкидлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев илгари сурган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойили бунда дастуриламал бўлмоқда.

Давра суҳбатида бугун соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам талай экани қайд этилди. Оммавий ахборот воситаларини том маънода халқ минбарига айлантириш, соҳа ходимларининг фаолиятига замонавий журналистиканинг янги услуб ва усулларини жорий этиш, давр билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш, ҳудудий ОАВларда ишлаётган ходимларнинг миллий медиа макондаги фаоллигини ошириш, журналистларнинг халқаро миқёсда ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкониятларини тобора кенгайтириш, ёш журналист кадрларни тайёрлаш, уюшма қошидаги ижодий кенгашлар фаолиятини янада жонлантириш давр талаби экани таъкидланди.

— Журналистика соҳасига кириб келаётган биз ёшлар учун бугунги тадбир айни муддао бўлди, — дейди Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети талабаси Муҳаббат Убайдова. — Унда таъкидланганидек, дарҳақиқат, бугунги журналист давр билан ҳамқадам бўлиши, жараёнларнинг нафақат иштирокчиси, балки яловбардорига айланиши лозим. Глобаллашув даври олдимизга янгидан янги вазифаларни қўймоқда. Бугун жамиятимизда янгиланиш жараёни кечаётир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, "электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бугун оммавий ахборот воситалари ана шу жараённинг фаол тарғиботчисига айланиши лозим.

Анжуманда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳолига ўз вақтида етказиш, бу борада журналистлар олдида турган вазифалар хусусида ҳам фикрлашилди.

Дилфуза ТОШТЕМИРОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Матбуот анжумани

Пойтахтимизнинг Олмазор, Шайхонтоҳур ва Учтепа туманларида ташкил этилган Аёллар маслаҳат марказлари самарали фаолият олиб бормоқда.

Мазкур марказлар фаолиятига бағишлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими матбуот анжумани ташкил қилди.

АЁЛЛАР МАСЛАҲАТ МАРКАЗЛАРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЯҚИН КЎМАКДОШИГА АЙЛАНМОҚДА

Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизларни эзгулик, уларга доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, оилаларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, баркамол авлодни вояга етказиш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Аёллар маслаҳат марказлари хотин-қизлар ўртасидаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Улар фаолиятида уй бекаларининг турмуш тарзи, дунёқарашини ўрганиш, уларни турли мафкуравий таҳдидлардан асраш асосий ўрин эгаллайди.

— Марказимизда ҳафтанинг ҳар сешанба ва пайшанба кунлари жамиятимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг аҳамияти, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оилалар фаровонлигини таъминлаш борасидаги ишлар, аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга оид саъй-ҳаракатлар, миллий-диний қадриятларнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи суҳбатлар, семинар-тренинглар ўтказилади, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги Аёллар маслаҳат маркази раҳбари Дилбар Аҳмедова. — Бу машғулотларга етакчи олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, психологлар, ҳуқуқшунослар, уламолар кенг жалб этилмоқда.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, 2015-2016 йилларда мазкур марказларга 15 минг 724 хотин-қиз келган, уларнинг 6 минг 356 нафари турли муаммоли масала бўйича мурожаат этган. Мурожаат қилганларнинг 5 минг 693 нафарига услубий, ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилиб, 2 минг 368 нафарининг муаммоли масаласи ижобий ҳал этилган.

Марказларнинг жорий 2017 – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида фаолият кўлами янада кенгайди. Шу йилнинг 4 ойи давомида унга 4 минг 81 нафар фуқаро мурожаат этди, 1 минг 777 шахснинг муаммоси ҳал этилишида кўмак берилди.

— Сўнгги вақтларда аёллар нафақат ҳуқуқий ва тиббий, балки диний йўналишдаги саволлар билан ҳам мурожаат қилмоқда, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги Аёллар маслаҳат маркази психологи Муаззам Раҳматуллаева. — Шу сабаб Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Тошкент ислом университети билан ҳамкорликда дин соҳаси мутахассисларини жалб этиб, виждон эркинлиги ва диний мавзуларда очиқ мулоқот ва давра суҳбатлари ташкил этиляпти.

Тадбирда марказлар фаолиятига оид маълумотлар берилди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

2017 йилнинг ўтган даври мобайнида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 345 қишлоқ, 1 минг 76 маҳалласида 7 минг 226 оиланинг ижтимоий шароити, ундаги психологик муҳит ва болалар соғлиғини ўрганди. Тиббий кўрик давомида юз мингга яқин аҳоли кўрикдан ўтказилди. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗАЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ташкил этилган "Соғлом авлод — миллат келажаги" мавзусига бағишланган анжуманда таъкидланди. Унда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси ўринбосари Н.Мўминов ва бошқалар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналик ва болаликни муҳофазалашда тиббий-ижтимоий патронаж хизмати муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

"Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида бу борада белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда аёллар саломатлигини асраш, кам таъминланган оилаларнинг бемор болаларини соғломлаштириш, она-бола скрининг хизматини ривожлантириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, экологик жиҳатдан ноқулай минтақаларда яшовчи аҳолига тиббий-ижтимоий кўмак кўрсатишга оид тадбирлар бунга мисолдир.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси билан ҳамкорликдаги ана шундай чора-тадбирлар натижасида 2016 йил ва 2017 йилнинг ўтган даврида саксондан ортиқ юрак хасталигига учраган бола соғломлаштирилди. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази билан ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида эса аёллар ўртасида скрининг текширувлар ўтказилмоқда.

Таъкидланганидек, аҳоли ўртасида тиббий-ижтимоий патронаж тадбирларини замонавий андозалар асосида ташкил этишда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг жойлардаги тиббий-ижтимоий бригадаларининг хизмати катта бўлмоқда. Замонавий амбуланс машиналар билан таъминланган мазкур бригадалар таркибида терапевт, акушер-гинеколог, педиатр, ультратовуш таҳлил шифокори, тиббий-ижтимоий ходим, ҳамшира фаолият кўрсатмоқда. Ушбу жамоа жорий йилнинг ўтган даврида бир ярим мингта яқин олис қишлоқ ва маҳаллага ташриф буюриб, етти мингдан кўпроқ оиланинг ижтимоий шароити, хонадонидаги психологик муҳит ва болалари саломатлиги ҳолатини ўрганди, юз мингта яқин аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди.

Матбуот анжуманида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг давлат ва жамоат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда амалга ошираётган бу каби аҳоли ўртасида тиббий-ижтимоий патронаж ёрдамини ташкил этиш жараёни ва натижаларига оид маърузалар тингланди.

Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Бизнинг шарҳ

БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИК — ҲАЁТ ЗАНЖИРИ

Сайёрамизда рўй бераётган глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар ер юзидаги экотизим барқарорлиги, иқтисодиёт ривожи ва инсон саломатлигига жиддий путур етказмоқда. Ушбу экологик муаммоларнинг салбий таъсирларини юмшатиш, табиий мувозанатни барқарорлаштириш, иқлим ўзгаришига сабаб бўлаётган фаолият турларини модернизациялаш инсоният олдида турган устувор вазифадир.

Хусусан, атроф-муҳит муҳофазасининг муҳим йўналиши бўлмиш биологик хилма-хилликни сақлаш бугунги кунда дунё миқёсидаги долзарб масалага айланган. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки инсониятнинг табиатга таъсири, яйловлар, сув ва энергоресурслардан фойдаланишдаги исрофгарчиликлар, қишлоқ хўжалиги майдонлари ва шаҳарларнинг кенгайиб бораётгани, ўрмонзорлар майдони камаяётгани оқибатида сайёрамизда айрим ҳайвон ва ўсимлик турлари буткул йўқолиб кетиш арафасида турибди.

Халқаро табиатни қўриқлаш иттифоқининг маълумотларига қараганда, Ер юзида сўнгги 500 йилда 801 ўсимлик ва ҳайвонот тури нобуд бўлган. 1600 йилдан 1969 йилгача сут эмизувчи ҳайвонларнинг 38, қушларнинг 94 тури қирилиб кетган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сайёрамиз табиатини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш масаласига халқаро ҳамжамият эътиборини кўпроқ жалб этиш, экологик тизим ва табиатнинг ноёб неъматларини сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида қатор чора-тадбирларни ишлаб чиққан. 2010 йилнинг Халқаро биологик хилма-хиллик йили, деб эълон қилиниши, 22 май — бутун дунёда биологик хилма-хилликни асраш куни сифатида нишонланиши ана шулар жумласидандир.

Шу ўринда биологик хилма-хиллик тушунчасига мухтасар изоҳ беришни жоиз, деб билдик. Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенциянинг 2-моддасига мувофиқ, "биологик хилма-хиллик деганда, барча манба — ер, сув ва бошқа экотизимларда яшайдиган, ўсадиган жами жонли организм тушунилади". Биологик хилма-хилликда моҳиятан инсон ҳаётининг ажралмас бўлаги мужассам бўлиб, уни муҳофаза қилиш табиат ва инсониятнинг мавжудлиги, барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Инсон — табиатнинг бир бўлаги. У ўз эҳтиёжи учун барча маҳсулотни табиатдан олади. Айтайлик, Ер юзида мавжуд 7 миллиарддан зиёд аҳоли кислород воситасида нафас олади, кислород эса ўсимликлардаги фотосинтез натижасида ҳосил бўлади. Ўсимликлар, ўз навбатида, биосфера барқарорлигини таъминлайди. Биосфера энг катта экологик тизим бўлиб, ўз ичига бир қанча экотизим (чўл, адир, тоғ, яйлов, кўл, дарё, океан, ўтлоқ, ўрмон, тўқай ва бошқалар)ни қамраб олади. Уларнинг бари ўзаро уйғунликда биологик хилма-хилликни ташкил қилади.

Аслида айрим биологик турларнинг йўқ бўлиб кетиши табиий жараён саналади. Чунки Ер юзида ҳайвонот ва наботот оламининг тадрижий ривожланиши жараёнида уларнинг қирилиши ва ўрнига янгилари пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолатлар кўп кузатилган. Бироқ бугун айрим ҳайвон ва ўсимлик турлари, яъни биологик хилма-хилликнинг камайиб кетаётгани антропоген омиллар билан бевосита боғлиқ. Табиий ресурсларга бўлган талабнинг ошиши, экотизим турларидан палапартиш фойдаланиш, ноқонуний овчилик, иқлим ўзгаришлари, турли касалликлар, айрим давлатларда табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш борасида қонунчилик тизимининг тўғри шакллантирилмагани айрим биологик турларнинг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Биологик хилма-хилликнинг камайишига сабаб бўлаётган муҳим омиллардан яна бири ҳайвонот ва наботот олами яшайдиган табиий муҳитнинг қисқариб бораётгани билан боғлиқ. Маълумки, дунё аҳолиси борган сари кўпайиб бормоқда. Бу эса табиат ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ошишига сабаб бўлаётир. Уй-жой қуриш, қишлоқ хўжалигини юритиш, яйловларни кенгайтириш, ёғоч олиш мақсадида ўрмонлар кесилмоқда, янги инфратузилма объектлари бунёд этилмоқда. Бу ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликларнинг табиий яшаш муҳитининг қисқаришига, пировардида уларнинг кескин камайишига олиб келаётир. Бундан, энг аввало, йирик сут эмизувчи ҳайвонлар азият чекмоқда. Чунки уларнинг ҳаёт кечириши учун ўрмонлар, яшил ҳудудлар ва энг муҳими, табиий муҳит зарур.

Ҳайвонлар ва ўсимлик турларининг кескин камайишига олиб келаётган омиллардан яна бири — ноқонуний овчилик ва балиқчилик билан шуғулланиш. Қолаверса, иқлим ўзгаришлари, хусусан, чўлланиш, дунё океанлари сувида ҳарорат ва кислота миқдорининг ошиши айрим тирик организмларнинг яшаб кетишига тўсиқ бўлмоқда.

Бугун мўмай даромад топиш илинжида дунё миқёсида ёввойи ҳайвонлар ҳамда ноёб ўсимликларнинг ноқонуний савдоси авж олаётгани биологик хилма-хиллик ҳамда экотизим барқарорлигига таҳдид солиб, уларнинг айрим турлари бутунлай йўқолиб кетиши хавфини юзага келтирмоқда. Тропик минтақалар — Африка, Осиё, Океания ҳамда Лотин Америкасида жойлашган айрим ривожланмаган мамлакатларнинг ночор аҳолиси "рўзғор тебратиш" қайғусида тирик мавжудотлар яшаши учун зарур бўлган тропик ўрмонларни кесиб ташламоқда, ҳайвонларни ноқонуний овламоқда. Бу мазкур ҳудудда айрим табиий турларнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўлаётир. Масалан, Африкада ҳар йили браконьерлар 20-25 минг филни ноёб ҳисобланган шохи учунгина отиб ўлдирмоқда. Ачинарлиси, 2010-2012 йиллар мобайнида, яъни бор-йўғи уч йил ичида қарийб 100 мингга яқин фил йўқ қилинган. Ёки Жанубий Африкада овчилар томонидан 2014 йилда 1 минг 215 каркидон қириб ташланди. Танзанияда бу кўрсаткич янада юқори: мамлакатда ҳар йили қарийб 13 минг фил овчилар ўлжасига айланмоқда. Агар вазият шу тахлит давом этса, яна беш йилдан сўнг мазкур мамлакатда битта ҳам фил қолмаслиги мумкинлиги жаҳон жамоатчилигини хавотирга солмоқда.

Ҳайвонот ва наботот оламининг ноёб турларини сақлаб қолиш борасида барча давлатларда ҳам бир йўсинда тизимли ишлар амалга ошириляпти, деб бўлмайди. Бунга мутахассисларнинг сўнгги йилларда маймунларнинг ноқонуний савдоси кучайиб бораётгани тўғрисидаги огоҳлантириши яққол мисолдир. Масалан, Осиёда шимпанзе, горилла, орангутан, Африкада бонобо маймуни тақдири хавф остида қолгани айтилмоқда. Африканинг аксарият ҳудудида шерлар ҳам тобора камайиб бормоқда. Айниқса, қитъа ғарбида вазият ниҳоятда оғир. Мутахассислар шерлар тўдасининг сезиларли камайиши 1992 йилдан бошлаб кузатилаётгани, бу, айниқса, улар озиқланадиган ҳайвон турларининг йўқолиб бораётгани билан изоҳланишини айтмоқда. Тадқиқотга кўра, рўйхатга олинган 8 мингдан зиёд шернинг учдан икки қисми йўқолиб кетиш хавфи остида. Агар зудлик билан чора кўрилмаса, яна бир неча ўн йил ичида улар сони кескин қисқариши мумкин.

Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиий сув ҳавзаларида барқарор экологик вазиятни таъминлаш йўналишидаги ишларни янада кенгайтириш ҳам долзарб вазифалардан. Зотан, Халқаро ёввойи табиат жамғармасининг маълумотларига қараганда, сўнгги қирқ йил ичида сайёрамизда денгиз жониворларининг сони қарийб икки бараварга камайгани ҳам жаҳон ҳамжамиятидан бу муаммога қарши курашишда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, ушбу йўналишда экологик мувозанатни сақлашга доимий эътибор қаратиш зарурлигини англатади.

Биологик ресурсларни асраб-авайлаш ва табиий мувозанатни таъминлашда табиат қўриқхоналарини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Қўриқхоналар бутунлай ёки қисман йўқолиш хавфи остида қолган ҳайвонот ва наботот оламини муҳофаза қилиш, табиий жараёнларни тадқиқ этиш мақсадида ташкил этилади. Қўриқхона ташкил этиш орқали табиий экотизимни яхлит ҳолда сақлаб қолиш имкони пайдо бўлади. Уларда нафақат ҳайвон ва ўсимликлар, балки тупроқ ва сув ҳам муҳофазаланади, ов қилиш, уй-жой қуриш, ер ҳайдаш, ҳатто, ўт ва қўзиқорин юлиш ҳам мумкин эмас. Қўриқхонада ҳар қандай шаклда хўжалик юритиш, бегона одамларнинг кириши тақиқланади. Бундай чора-тадбирлар натижасида йўқолиш хавфи остидаги ноёб ҳайвон ва ўсимлик турларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга эришилади.

1973 йилнинг 3 мартида йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвон ва ўсимлик турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги конвенция (СИТЕС) қабул қилинган. Мазкур конвенция ёввойи табиатни муҳофаза қилиш борасидаги муҳим халқаро ҳужжатдир. Конвенциянинг мақсади — ёввойи ҳайвонлар ва ноёб ўсимликлар халқаро савдо-сотиғи туфайли уларнинг йўқолиб кетиш хавфининг олдини олиш, бу борада назоратни кучайтиришдан иборат. Қарийб 5,6 минг жонивор, 30 минг ўсимлик конвенция муҳофазасига олинган, унга 182 мамлакат қўшилган. 1963 йилдан буён Халқаро табиатни қўриқлаш иттифоқи йўқолиш хавфи остидаги жониворлар ва ўсимликларнинг рўйхати (Халқаро "Қизил китоб")ни юритиб келади.

Ўзбекистон БМТнинг халқаро биохилма-хилликни асраш, ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини ҳимоя қилиш, сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойи бўлган сув-ли-ботқоқли ҳудудларни муҳофазалаш, йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвон ва ўсимлик турлари билан халқаро савдо қилиш юзасидан қабул қилинган конвенцияларга қўшилган ва улар асосида зиммага олинган халқаро мажбуриятларни ўз вақтида бажариш мақсадида миллий стратегия ва ҳаракат режалари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз бой табиати ва ноёб биологик ресурслари билан ажралиб туради. Юртимизда тўрт минг саккиз юздан ортиқ ўсимлик, қарийб ўн олти мингга яқин ҳайвонот тури учрайди. Уларнинг муайян қисми камёб бўлиб, фақат бизнинг минтақамизда мавжуд. Ушбу ноёб табиий бойликларни асраш, йўқолиб бораётган турларни кўпайтириш, муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш, табиатга инсон омили салбий таъсирининг олдини олиш юртимизда амалга оширилаётган экологик ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидандир. Ўзбекистон "Қизил китоб"ига балиқларнинг 11, қушларнинг 35, сут эмизувчиларнинг 12, судралиб юрувчиларнинг 4, ўсимликларнинг 301 тури киритилгани ҳам табиат муҳофазасида экологик вазият барқарорлигини таъминлаш долзарб вазифа эканини кўрсатмоқда.

Бугун юртимизда саккиз давлат қўриқхонаси, миллий табиат боғлари, ноёб ёввойи ҳайвонларни асраш ва кўпайтиришга ихтисослашган марказлар, табиат ёдгорликлари ташкил этилган. Ўрмонлар ва яшил ҳудудлар ҳам биологик хилма-хилликни асрашга хизмат қилаётир.

Атроф-муҳит муҳофазаси, флора ва фауна хилма-хиллигини таъминлаш, экологик тизимлар барқарорлигини сақлашга йўналтирилган кўплаб илмий-амалий лойиҳалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Олимларимизнинг ана шу йўналишдаги изланишлари натижасида илгари фанга маълум бўлмаган кўплаб ўсимлик турлари аниқланиб, муҳофазага олинди. Ҳайвонот дунёсини муҳофазалаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида сайғоқ, жайрон каби ноёб жониворлар камайиб кетишининг олди олинмоқда. Буларнинг барчаси юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, табиат мусаффолиги ва зоологик барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилаётган эзгу ишларнинг ёрқин намунасидир.

Мухтасар айттанда, атроф-муҳит, ундаги ҳайвонот ҳамда наботот дунёси биргаликда ягона тизимни ташкил қилиб, экотизимдаги барча организмлар бир-бири билан узвий боғланган. Ушбу занжирнинг биргина қисмига етган зарар ҳам бутун экотизимнинг бузилишига олиб келиши, бу эса кутилганидан ҳам оғирроқ экологик муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Модомики шундай экан, табиат бойликларидан эҳтиёткорона ва омилкорлик билан фойдаланиш, ҳайвонот ва наботот турларини муҳофаза қилишга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Рангин дунё

Лондон шаҳри нафақат кўҳна, балки замонавий иншоотлари билан ҳам сайёҳларни ўзига оҳанрабодек тортиб келмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда бу ерда қад ростлаётган осмонўпар бинолар шаҳарга янада кўркамлик ва улуғворлик бағишламоқда. Баландлиги бўйича Европа қитъасида иккинчи ўринда турадиган "The Shard", 236 метрли "One Canada Square", 230 метрли "Heron Tower" каби иморатлар шулар жумласидандир.

ОСМОНЎПАР ГУМБАЗЛИ ИНШООТ

Лондоннинг марказий қисмидаги "Сент-Мэри Экс 30" номли осмонўпар бино ҳам шаҳарнинг диққатга сазовор, муҳташам иншоотларидан саналади. Бино Сент-Мэри Экс кўчасида жойлашган. Ўзига хос шакли ва ойналарининг ташқи томондан яшил рангда товланиши туфайли маҳаллий аҳоли уни ҳазил аралаш "бодринг" деб ҳам атайди. Бинода Швейцариянинг "Swiss Re" хайрия компаниясининг Лондон шаҳридаги қароргоҳи жойлашган.

...2000 йилнинг 23 августида ҳукумат эски биржа биноси ўрнида "Сент-Мэри Экс 30" иншоотини қуришга рухсат беради. Лойиҳани амалга оширишдан олдин уни қаерда, қандай баландликда қуриш борасида ташкилотчилар ўртасида баҳс-мунозара пайдо бўлади. Аввалига унинг баландлигини 230 метр қилиб қуриш мўлжалланган эди. Бироқ қурилиш жойи обдон ўрганилганида мутахассислар бу ернинг тупроғи бундай баланд ва оғир иншоотнинг устунларига бардош бера олмаслиги ҳақида хулоса беради. Шу боис баландлиги 180 метрли иншоот қуришга қарор қилинади. Қурилиш бошланишидан олдин мамлакат раҳбарияти лойиҳа муаллифи, бош меъмор Норман Фостерга қурилажак иншоот Лондоннинг қадимий қиёфасига уйғун тарзда бунёд этилиши, унинг юқорисидан шаҳарнинг диққатга сазовор бинолари кафтдек кўриниб туриши лозим, деган вазифани қўяди.

Шу тариқа "Skanska" компанияси эски биржа биноси ўрнида қиймати 400 миллион долларни ташкил этган муҳташам иншоотни 2001-2004 йилларда бунёд этади. Қурилиш жараёнида баъзан бир вақтнинг ўзида 500 нафардан зиёд қурувчи меҳнат қилади. 2004 йилнинг 28 апрелида иншоотнинг очилиш маросими бўлиб ўтади.

Бино диаметрининг пастки қисми 49 метрни ташкил этади: у юқорилаган сайин янада кенгайиб боради: 17-қаватда 57 метрга етади. Энг юқори қисмининг диаметри эса 25 метрдан иборат.

Иншоот 41 қаватли бўлиб, баландлиги 180 метрни ташкил этади. Бу Ниагара шаршарасидан уч баравар баланд дегани. Ички қисмининг умумий майдони 47 минг 950 квадрат метрдан иборат. Иншоотнинг энг юқори қаватида — гумбаз остида "Searcy's" компаниясига тегишли ресторан ҳамда бар фаолият юритади. Бу Лондон шаҳридаги энг баланд нуқтада жойлашган тамаддихона саналади. Бинонинг 38-қаватида оммавий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган беш зал ўрин олган. Бинода ўрнатилган 16 лифт бир пайтнинг ўзида қарийб 380 йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. У сониясига 6 метр тезликда ҳаракатланади.

Лойиҳанинг яна бир ўзига хос томони шундаки, 180 метрли иншоотда фақат қуёш батареяларидан фойдаланилади. Бу эса шу туркумга мансуб биноларга қараганда электр энергиясини икки бараварга тежаш имконини беради. Иншоот айлана шаклида бунёд этилган бўлиб, ташқи томондан 745 ойнаванд панель билан қопланган.

Мазкур лойиҳа 2003 йилда энг яхши осмонўпар иншоотларга бериладиган нуфузли "Emporis Skyscraper Award" ҳамда 2004 йилда британиялик меъморлар қироллик институтининг Стирлинг мукофотига сазовор бўлган.

ЙИҒИЛАДИГАН ИХЧАМ ЭЛЕКТРОВЕЛОСИПЕД

Хитойлик бир гуруҳ дизайнерлар қисқа масофада фойдаланишга мўлжалланган, йиғиладиган "Smacircle" номли электровелосипед ихтиро қилди, дейилади "techcult.ru" сайтида.

Лойиҳани амалга ошириш учун Гэвин Янг бошчилигидаги ихтирочилар қарийб икки йил меҳнат қилди. Велосипеднинг оғирлиги атиги 7 килограмм. Йиғилган ҳолатда узунлиги 49 сантиметрни ташкил этади. Велосипед соатига 20 километр тезликда ҳаракатланади.

Уни ҳеч қийинчиликсиз ўн сония ичида йиғиб, юк халтасига жойлаш мумкин. Велосипедга электродвигатель билан бирга тепки ҳам ўрнатилган, унга мобиль алоқа воситаси ёрдамида Bluetooth орқали боғланиш, тезлиги, батарея қуввати даражасини тартибга солиш имкони мавжуд.

Лойиҳа муаллифлари келгусида велосипедни GPS тизимига улашни ҳам режалаштирмоқда.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ГАФФОРОВ тайёрлади

Мутолаа

НАВОИЙНИ ЎРГАНАМИЗ

Китоб инсон ақлини чархлайдиган, уни маънавий камолот сари етаклайдиган бебаҳо воситадир. Китоб ўқувчига беқиёс маънавий завқ бериш билан бирга, унда ёзма нутқ кўникмасини шакллантиради. Инсониятни илм, садоқат, вафо, маърифатга ошно этадиган китоблар ўғил-қизларни одилона ва оқилона фикр юритишга ўргатади. Инсон китоб ўқиш, уни англаш, ҳис этиш орқали камол топади.

Тўғри, бугун билим олишнинг замонавий воситалари кўп, бироқ китоб ҳеч қачон қадр-қимматини йўқотмайди. Айниқса, бугунги тобора глобаллашаётган, "оммавий маданият" хуружи таҳдид солаётган юксак технологиялар асрида маънавиятни асраш, маърифатни юксалтиришда китобнинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши халқимиз, айниқса, ёш авлодда китобхонлик маданиятини шакллантиришга, аждодларимизнинг бой маънавий меросидан баҳраманд бўлишга хизмат қилаётир. Китоб иштиёқмандларининг хайрли ишлари ва ташаббусларига қанот бағишламоқда. Бугун қулоққа тез-тез чалинадиган "айниқса, ёшлар китоб ўқимай қўйди, улар Интернет билан банд", деган гаплар унчалик ҳам тўғри эмаслигига мамлакатимизнинг чекка бир қишлоғидаги ибратли ташаббус мисолида ҳам амин бўлдик.

Илм олмаган, китоб ўқимаган фарзандлар йўқотилган болалардир, деган эди мутафаккирлардан бири. Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги 5-умумтаълим мактабидаги китобхон ўқувчилар ҳақида ЎзМТДП туман кенгаши раиси Тўрамурод Раҳмонов сўзлаб берганди. Қизиқишимиз ортиб, оддий қишлоқ мактаби ўқувчилари орасида мумтоз адабий меросимиз намуналарини, хусусан, Алишер Навоийнинг "Хамса"сидаги достонларни мукаммал ўрганиб, айрим қисмларини ёд айтиб бера оладиган китобсеварлар билан учрашиш нияти пайдо бўлди...

Илк таассуротим: мазкур мактаб кутубхонасида китобхонлар учун яратилган қулайлик, турли жанрларга оид китобларнинг кўплиги. Айниқса, болалар адабиёти намуналари кўпроқ бўлишига алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун мактаб кутубхонаси миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг сара асарлари билан доимий равишда бойитиб борилмоқда. Зеро, яхши китоб ва бой кутубхона — маънолар махзанидир. Мактабда китобхонлар иштирокида асарлар муҳокамасига бағишланган баҳс ва суҳбатлар ташкил этиш анъанага айланган. Энг фаол ўқувчилар мунтазам рағбатлантирилиб борилянти. Бу бошқа ўқувчиларнинг ҳам қизиқишини ошириб, китобхонлик маданиятининг равнақ топиши, болаларнинг китобга дўст тутинишига муҳим сабаб бўлмоқда.

— Мактабимизда 586 нафар ўқувчи таҳсил олади, уларда мутолаа маданиятини кучайтириш, китоб ўқишга қизиқишини ошириш мақсадида янги лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз, — дейди Олтинсой туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Аброр Қодиров. — Мактабимиз кутубхонаси 7 мингдан зиёд китоб фондига эга. Яқинда бошланғич синф ўқувчилари учун 25 номдаги китоб олиб келинди. Бугунги Интернет ва бошқа замонавий ахборот технологиялари жадал ривожланаётган глобаллашув жараёнида ёшларда китобга қизиқишни ошириш, мутолаа маданиятини шакллантириш нафақат педагоглар, балки бутун жамиятнинг муҳим вазифасидир.

Хўш, китобхонлик маданияти деганда нимани тушунамиз? Фикримизча, ўзининг дунёқараши ҳамда бадиий-маънавий баркамоллигини ошириш учун китобни танлай олиш ва ўзи учун зарурини ўқиш, ўқиганларини мустақил талқин қила олиш, унинг фусункор оламига кира билиш, зарур ҳаётий хулосалар чиқариш...

Шу маънода мактаб ўқувчилари ўртасида мунтазам равишда ўқиш кўникмасига эга бўлиш, ўқиган китобини тенгдошларига сўзлаб бериш анъанаси, бир сўз билан айтганда, мутолаа борасида бир-бири билан ижобий маънода мусобақа ташкил этилган. Баҳснинг фаолларидан — 5-синф ўқувчилари Камола Омонова, Шамсия Жалилова, 8-синф ўқувчиси Шаҳноза Ашурова, 9-синф ўқувчиси Ситора Асқарова... Уларнинг ҳар бири Навоий достонларининг тарбиявий аҳамияти хусусида соатлаб сўзлаши мумкин. Сўзлаганда ҳам равон тилда, олган таассуротлари, кечинмалари, фикр-мулоҳазаларини улуғ шоир достонларидан мисоллар ва муқоясалар келтирган йўсинда ифода этадики, қойил қолмай илож йўқ.

Навоийхонлик кечалари фақат улуғ шоирнинг таваллуд кунида эмас, йил давомида ўтказилиши анъана тусини олган. Навоий ижоди, лирикаси, ғазалларининг мавзу йўналиши, талқини, изоҳлари, шоир шеъриятидаги жанр ва тимсолларга доир машғулотлар кўплаб ёшлар, китобсеварларнинг билимларини бойитиш ва янада кенгайтириш имконини берди. Мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Абдуризвон Ғаниев айни ибратли ташаббус муаллифи бўлди.

Дастлаб қуйи синф ўқувчилари ўртасида эртак китобларни ўқиш ва ўқилганлар юзасидан ўз таассуротларини баён этиш анъанасидан бошланган мутолаа шу тарзда икки йил мобайнида Навоий достонларини таҳлил қилиш, ёд олиш даражасига етди. Натижа шуки, ўқувчиларнинг айни мушоҳадалари, фикрлаш тарзи аввалгиларидан тубдан фарқ қилаётир. Улар ўқиган китоблари, асарлар қаҳрамонлари характерини мустақил, эмин-эркин таҳлил ва талқин этмоқда.

Айрим юртдошларимиз "ҳозирги ёшларга жиддий бадиий асарларни тавсия этган билан улар бундай китобларни ўқимайди, чунки замон ўзгарди", дейди. Ҳақиқатдан ҳам шундайми?

— Жамият ва шахс ҳаётида қандай масала бўлмасин, унинг ечими ва ҳал этилишига доир қарашлар Алишер Навоий асарларида мавжуд, — дейди 9-синф ўқувчиси Ситора Асқарова. — Бу ҳамиша ул зотнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга эҳтиёжманд эканимизни эслатиб туради. Қолаверса, мутафаккир-алломаларимиз жоҳилликнинг биринчи белгиси ғўзалликни кўрмаслиқдир, дейдилар. Алишер Навоий бадиий оламидаги ҳар бир сўз, қиёс ва ўхшатишлар китобхонни ҳайратга солади. Ул зот инсонни камолот сари интилишга чорлайди, умр абадий эмаслигига бот-бот ишора қилади ва шу боис ҳеч бир инсон ўз ҳаётида пушаймон бўлмаслик учун эзгу ишларни амалга ошириши лозимлигини уқтиради...

Ўқиган, уққан қиз одоб-ахлоқли бўлади. Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилади.

— Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси онгу шуурримиз, юрагимизга, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади, — дейди 5-синф ўқувчиси Шамсия Жалилова. — Бу бебаҳо меросдан халқимиз, айниқса, биз, ёшлар қанча кўп баҳраманд бўлсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз. Навоий бобомизнинг асарларини қайта-қайта ўқиб, мағзини чақар эканмиз, одоб гўзалликлари, ота-онага ҳурмат ва итоат, кексаларни эъзозлаш, ёмон одатлардан сақланишга чорловчи ибратли ҳикматлари ҳаёт йўлимизни ёритиб, бизни камолот сари етаклайди.

Дарҳақиқат, китоб билан дўстлашган инсоннинг фикри теран, иродаси мустаҳкам бўлади. Ҳаётнинг маъно-мазмунини чуқур англайди. Баъзан давраларда китобхонлар камайиб кетаётгани ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимизга чалинади. Бу фикрга қўшилиб бўладими?

— Бир қарашда сўнгги йилларда китоб ўқишга иштиёқ сусайгандек, — дейди она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Абдуризвон Ғаниев. — Болаларимизнинг китобдан узоқлашиб бораётгани, Интернетга банди бўлиб қолаётгани ҳаммамизни ташвишлантираётган эди. Аммо китобни дўст билувчилар кўп. Китоб мутолаасида биз, катталарнинг ибрати ёшлар учун етарли эмас. Бугун кенг жамоатчилик бир ёқадан бош чиқариб, омма орасида китоб тарғиботини кучайтириши керак. Давлатимиз раҳбарининг китоб тарғиботига қаратилган фармойиши айни кўнглимиздаги гап бўлди. У кишининг Президент лавозимидаги биринчи учрашуви ҳам олимлар билан бўлгани, кейинчалик бу борада махсус фармойиш қабул қилгани ҳам Ўзбекистонимиз келажаги халқимиз, айниқса, ёш авлодимизнинг ҳар томонлама маърифатли бўлиши билан боғлиқ, деган олижаноб мақсадга қаратилганининг исботидир. Ёшларимизга китобнинг эзгулик ёғдуси эканини ҳар қадамда эслатиш ва фармойишда амалга оширилиши шарт бўлган ишларни бажариш, аслида, ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиз бўлмоғи лозим.

Ўқитувчининг ҳар бир дарси — ҳаёт сабоғи. Сурхондарёнинг олис бир қишлоғидаги мактабда зиё, маърифат тарқатаётган оддий муаллим, жонкуяр инсоннинг машғулотларни ноанъанавий тарзда ташкил этиши, дарсга оид қизиқарли янгиликларни тезкорлик билан болаларга етказа олиши, ҳар бир ўғил-қизнинг руҳияти, дунёқараши, ўзига хос феъл-атворини чуқур ўрганиб, шунга мос ёндашуви ва энг муҳими, ўқувчилар қалбида китобга катта қизиқиш уйғотаётгани ана шу фикрларнинг амалий исботи бўлиб кўринди бизга.

Машғулотлар тугаб, вақт кечга яқинлашиб қолган бир пайтда ушбу таълим масканидан ана шундай илиқ таассуротлар билан қайтдик...

Баҳром НОРМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Реклама

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !
"Асака" банк
2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:
"МАНФААТЛИ-2017"
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 32 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

"Асака" банк сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Тиббий маслаҳат

КАМҚОНЛИКДА ГИЛОС ЕНГ

Кунлар исиб, меваларга бирин-кетин ранг кира бошлади. Аввал қулупнай етилди, кейин тут бағри болга тўлди. Энди навбат гилос ва эртапишар ўрикка келди.

Улар орасида гилос ўзининг тотли ва тўйимлилиги, танимизга куч-қувват, дармон бағишлаши билан алоҳида ажралиб туради. Бундан 8 минг йиллар муқаддам ҳам истеъмол қилинган гилос меваси таркибида кўп миқдорда фойдали моддалар, витамин ва минераллар мавжуд.

Гилос гулидан фойдали ва шифобахш асал олинади. Асаларилар бир гектар гилосзордан ўртача 35 килограмм тоза асал йиғиб олади. Ушбу мевадан табобатда кўпгина хасталикларнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида фойдаланилади. Жумладан, гилос буйрак ва жигар фаолиятини яхшилаб, қон айланишига ижобий таъсир кўрсатади. Гипертония билан оғриган беморлар учун фаол бирикмаларга бой тўқ қизил гилоснинг энг фойдали миқдори кунига 250-300 граммни ташкил этади. Артрит, ревматизм, бўғин ва тўқималар оғриқларини камайтириш учун янги узилган ширин гилос мевасининг 15 донаси ёхуд ундан тайёрланган қайнатмадан кунига уч маҳал истеъмол қилиш тавсия этилади. Қайнатма қуйидагича тайёрланади: 1 литр сув қайнатилиб, унга унча тўла бўлмаган бир ҳовуч мева солинади ва паст оловда 7 дақиқа қайнатилади. Оловдан олингандан сўнг, оғзи бекитилган ҳолда 20 дақиқа

дам берилади. Қайнатмадан бир кунда камида 0,5 литр истеъмол қилиш лозим.

Тиббиётда гилос шарбати иситмани туширишда, шамоллашда тавсия этилади. Шифокорларнинг таъкидлашича, у овқатдан кейин истеъмол қилинса, меъдани заифлаштиради, таом билан бирга меъёрида ёйилса, фойдадан холи бўлмайди.

Гилос ичак фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун у ичаклар атонияси (ичак фаолияти сусайиши), колит (қабзият) ва бошқа ички хасталикларга даво. Шарбати ва қайнатмаси овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятини яхшилайди. Унинг меваси таркибида органик кислоталар камлиги сабабли меъда шиллиқ қаватининг яллиғланиши (гастрит) билан оғриган беморларда кислота миқдорининг ортишини келтириб чиқармайди. Шунингдек, гилос таркибида темир ва витаминлар кўплиги боис камқонликда истеъмол қилиш тавсия этилади.

ТУРФА ОЛАМ

3D-ПРИНТЕР УЙ ҚУРАДИ

АҚШнинг Массачусетс технология институти тадқиқотчилари уй қурадиган 3D-принтер ихтиро қилди. Бу ҳақда РАТА-ТАСС хабар тарқатган.

3D-принтер воситасида 14 соат ичида диаметри 15, баландлиги 4 метрли айлана шаклидаги уй қуриш мумкин. У айланадиган иккита — катта ва кичик "қўл"га эга. Даставвал мослама уй қурилиши мўлжалланган жойга ўрнатилади. Унинг "қўллар"и автоматик тарзда махсус кукундан бино деворларини ясайди. Жараён якунига етгач, мослама уйдан ажратиб олинади.

Институт мутахассисларининг қайд этишича, мазкур принтер қурилишни тезлаштириш, унга сарфланадиган харажатларни камайтириш, унинг хавфсиз бўлишини таъминлаш имконини беради. Келгусида 3D-принтерни янада мустақил ишлайдиган даражада ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Ҳозирча унинг ишини оператор назорат қилиб боради.

Лойиҳа муаллифларидан бири Стивен Китинг мосламадан қурилиш техникаларини етказиш қийин бўлган ташландиқ ёки табиий офатдан зарар кўрган ҳудудларда фойдаланиш қулайлигини, мазкур технологияни амалиётга оммавий татбиқ этиш эса тахминан 5-10 йил муддатни талаб этишини таъкидламоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Ахмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 516, Адади — 8356. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Усмон АБДУРАСУЛОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.15.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56